Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 24 май, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 39 (6935)

Da'vat

Ўзбекистон инсон ҳуқуқини таъминлаш борасида дунёда ҳеч бир мамлакатдан кам бўлмаслиги керак.

Ислом КАРИМОВ.

Ibrat

Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳридаги 4-сон касб-ҳунар техника билим юрти ўқувчилари миллий кийимлар тикиш цехида тайёрланган маҳсулотларни сотиб бир ярим миллион сўм даромад қилишди. Бу пуллар асосан ўқув-тарбия ишларининг янада яхшиланишига сарфланмоқда.

XII ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Муҳтарам кино санъати арбоблари!

Қадрли дўстлар!

Сизларни, турли қитъалар ва мамлакатлардан келган кино, ижодкорларини, қадимий ўзбек заминида илм-маърифат, санъат ва маданиятга азал-азалдан эътиқоди баланд халқимиз ва шахсан ўз номимдан муборакбод этишдан ғоят мамнунман.

Тошкент киноанжуманининг «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт» шиори остида ўтиши бежиз эмас. Бу мустақил Ўзбекистон диёридаги кино байрамига янгича руҳ ва янгича мазмун бахш этиши шубҳасиздир.

Ўзаро ҳамжиҳатлик, тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик каби умумбашарий қадриятлар устивор бўлсагина, ҳар бир халқ, ҳар бир миллат фаровон яшаши, одил ва демократик жамият қуриши мумкин.

Тошкент киноанжумани инсонлар қалбига ёруғ орзулар бахш этишга, эрк, озодлик, тинчлик, ҳамжиҳатлик, дўстлик ва биродарлик ғояларини сингдиришга, мамлакатлар ва халқларнинг маданиятини ўзаро боғлашга, яқинлаштиришга, ер юзида ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонаман.

Сизларни серқуёш Ўзбекистон тупроғида яна бир бор самимий қутлайман ва кинофестивалингиз ишига муваффақият тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ ЯНГРАМОҚДА

Сўнгги қўнғироқ... Бу қўнғироқ чиқиш учун чалинаяпти. Йўқ... «Болалик» деб аталган хонадан чиқиш учун.

Сўнгги қўнғироқ... Бу қўнғироқ кириш учун чалинаяпти. Йўқ... «Мустақил ҳаёт» деб аталган хонага кириш учун.

Сўнгги қўнғироқ... Чиқиш!

Сўнгги қўнғироқ... Кириш!

Сўнгги қўнғироқ!..

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Shunqorlar

Ёшлар қўриқлайди, ватанни!

Маълумки, шу йилнинг 21—23 май кунлари Чирчиқ танкчи муҳандис командирлар тайёрлаш олий ҳарбий билим юртида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт қурик-танловининг республика бўйича мусобақаси бўлиб ўтди. Беллашувларда асосан мамлакатимизнинг барча туман ва вилоятларидан ғолиб деб топилган 28 та команда иштирок этди. «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақасининг очилишида халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, республика «Камолот» жамғармаси раиси Х. Абдураимов, республика мудофаа вазирининг муовини Х. Усмоновлар қатнашди ва нутқ сўзлашди.

3000 км. га югуриш, граната улоқтириш, автоматдан ўқ узиш, ҳарбий техника билан «муомала», сиёсий ижтимоий тайёргарлик мусобақанинг асосий шартларидан бири ҳисобланди.

Ҳуллас калом республика миқёсида биринчи бор ўтказилган «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақаси ўқувчи ёшлар қалбида унутилмас таассурот қолдирди, деб бемалол айта оламиз.

Мусобақа тўғрисидаги мақола билан газетамизнинг кейинги сонида танишасиз.

Мухбиримиз.

Qirg'izistondan xat

ГУЛЛАРГА БУРКАНГАН ГЎЗАЛ БАҲОРИНГ

Мен Ўзбекистонга чегарадош бўлган Қирғизистоннинг Жалолобод вилояти Сузоқ туманидаги Дўстлик қишлоғида яшайман. Муқимий номли мактабда муаллимаман. Биз — сузоқлик ўзбеклар Ўзбекистонни ўз юртимиздек суямиз. Унинг ютуқларидан қувонамиз.

Ўзбекистонга меҳримни ифодалаб ёзган шеъримни жўнатяпман. Агар у газетада чоп этилса, ўзимни бахтиёр ҳис қиламан.

БУГУН ҚЎТАРИЛДИ ҚЎККА ҚАДРИМИЗ

Мадҳингни қуйлаб ашъор ёзайин,
Қалбим тилакларин олиб чизайин,
Асрлар юкини мен кўтарайин,
Истиқлол муборак, жон Ўзбекистон!

Улуғ халқ фарзанди — Турон наслимиз,
Туркий элатларнинг энг асилимиз,
Бугун кўтарилди кўкка қадримиз,
Нурли йўл муборак, жон Ўзбекистон!

Ўзбеку туркману қирғиз, қозоғим,
Тожик, қорақалпоқ — йўқдир узоғим,
Таърифинг куйлайди она Сузоғим,
Шараф-шон муборак, жон Ўзбекистон!

Бир ёнда Бекобод, қўшни Хонобод,
Шаҳар, қишлоқлари гўзал ҳам обод,
Шаънингга шеър тўқиб, куйлар Жалолобод,
Истиқлол муборак, жон Ўзбекистон!

Гулларга бурканган гўзал баҳоринг,
Куйларга тўлиқдир ширин наҳоринг,
Ҳамиша тинч бўлсин бу азиз жонинг,
Ўзлигинг муборак, жон Ўзбекистон!

Баралла нур сочсин кўкда қуёшинг,
Элинг ҳеч кўрмасин кўздаги ёшинг,
Мангуга олдирма оғзингдан ошинг,
Олти ёш муборак, жон Ўзбекистон!

Туркистон байроғин кўтарсин қўлинг,
Нурли истиқболга элтгай бу йўлинг,
Ҳамиша раҳнамо юртбошинг, ўғлинг,
Толеинг муборак, жон Ўзбекистон!

Лола ЭРГАШЕВА.

Munosabat

«МУСТАҚИЛЛИК — БУ ҲУҚУҚДИР»

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов 20 май куни республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашув чоғида ўртага ташлаган асосий ғоя шу бўлди. Шу билан бирга юртбошимиз мустақиллик мазмунини шу оддий сўзда теран ифодалаб берди.

Дарҳақиқат, ёш мустақил республикамиз ўз олдига ҳуқуқий, демократик давлат сифатида шаклланиш мақсадини қўйган экан, бу иш бирламчи навбатда халқнинг ҳуқуқий онгини оширишни талаб қилади. Зеро, ҳуқуқий билимга эга бўлмаган кишилар мустақилликни тўла англаб ета олмайди ва унинг неъматидан баҳра ола билмайдилар.

Жамият ҳаётига чуқурроқ назар ташлар экансиз, унда мавжуд барча иллатларнинг илдизи ҳуқуқий билимсизликда эканлиги аён бўлади. Юлғичлик дейсизми, порахўрликми, ёхуд сансоларлик — буларнинг барчаси ҳуқуқий онгсизлик заминида томир отадиган, гуллаб-яшнайдиган чирмовуқ мисолидир. Бу иллатларнинг барчасидан қутилишнинг бирдан-бир йўли, такрор бўлса-да айтиш жоизки, аҳолининг ҳуқуқий билим даражасини оширишдир.

Хўш, бугунги жамият эгалари бўлмиш замондошларимизнинг ҳуқуқий маданияти қай даражада? Афсуски, жавоб қувонарли эмас. Буни юқорида эслатилган учрашув чоғида юртбошимизнинг қуйиниб айтган гапларидан ҳам билса бўлади. «Ерни деҳқон бузади» деганларидек, ҳуқушуносликни ўзларига касб этишган юртдошларимиз орасида ҳам ҳуқуқий маданияти шаклланмаган кишиларнинг учраши, ачинарли ҳол. Бугунги кунимиз шундай экан, эртамиз қандай бўлади? Усиб келаётган авлод биздан кўра баркамолроқ бўлармикан? Бу саволга жавобни бугунги болалар беришади.

Ҳар бир инсонда аввало ҳуқуқий онг бўлади ва бу онг замирида ҳуқуқий билим пайдо бўлади. Ўз навбатида, ҳуқуқий билимга эга бўлган одамда ҳуқуқий маданият шакллана бошлайди. Маълум тартиб асосида ривожланиб борадиган бу босқичлар инсоннинг умр паллаларига жуда мос тушади. Демак, биз болаларнинг мактабгача бўлган даврида ҳуқуқий онгини шакллантиришимиз, мактаб даврида эса шу онг замирида уларнинг ҳуқуқий билимини кенгайтириб боришимиз даркор. Киши қанча кенг қамровли билимга эга бўлган сайин шу даражада маданиятли ҳам бўла боради. Ҳуқуқий маданият пойдевори шундай қўйилади.

Ёшларимизнинг ҳуқуқий билимини ошириш учун халқ таълими тизимида талай ишлар қилинаётганлигини РТМ директори Ғ. Шоумаров санаб ўтди. Бу борада, яъни болаларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан талай ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва жойларга юборилган. Республика Таълим маркази томонидан эса «Ҳуқуқшунослик» фани бўйича янги-янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари тайёрланиб, нашр этилмоқда. Лекин ҳали қилинадиган асосий ишлар олдинда. Мактаб дастуридаги «Ҳуқуқшунослик» фани бўйича дарслар соатини кўпайтириш, қўшимча тўгарак ва клублар ташкил этиш, махсус синфлар ва махсус лицейлар сонини ошириш, билимдон ҳуқуқшунос ўқитувчилар етишмаслигига барҳам бериш, улар малакасини ошириш... Булар барчаси бугун ҳал қилиниши зарур бўлган энг муҳим масалалардир. Эртанги кунимиз эгалари бўлмиш ёшларнинг ҳар томонлама билимдон, маданиятли инсон бўлиб етишишларини истар эканмиз, кўзланган мақсад чўқисига тарбия пиллапоялари орқали чиқиб бормоқ лозим, жумладан ҳуқуқий тарбия пиллапоялари орқали ҳам.

И. БЎРИБОЕВ.

Milliy dasturga taklif

МИЛЛИЙ КАДРЛАР ДАВР ТАЛАБИ

Муболағасиз шу нарсани айтиш жоизки, бугун дунё халқлари илму маънавият бешиги бўлмиш — Шарқ тафаккурига ўлкан қизиқиш билан қарамоқда. Президентимиз «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деганларида аввало ана шу бунёдкорлик, ижодкорлик, илму маърифат асосида яратилишини кўзда тутганлар. Миллий тарбиямиз, маънавиятимиз қайтадан кашф этилган бир пайтда жаҳон илм-фани тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшган Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Улуғбек, Форобий сингари алломаларимиз ўз вақтида халқимизни илму ижодга нақадар қодир ва чанқоқ халқ эканлигини исботлаб бериб, илму фан ҳамда миллий маданият бешигини тебратганлар.

Мустақиллик — ижодкорлик, ташаббус, янгича фикрлаш, янгича тафаккурни қўллаш дегани. Янги фикрни кутариб чиқишда иккиланиш ёки янги фикр ва ғоянинг қийинчилик ила қўлланилиши, эски тузумдан қолган асоратдан бошқа нарса эмас.

Ҳар бир мутахассиснинг ўз касбига содиқлиги, у билан фахрланиши миллий ва умуминсоний туйғулар билан омухта бўлмас экан, ўқитувчилик касбининг ижтимоий ўрни ҳам қолмайди. Бундай ўқитувчи эса ўз ўқувчисига Ватаннинг бугуни, ўтмиши ва келажаги тўғрисида мукаммал тарбия бера олмайди. Бола қалбида миллий ифтихор туйғуси шаклланмас экан, унинг олган билими ёки эгаллаган касби қимга керак?

Миллий тарбиянинг заминида миллий туйғулар шаклланса-гина умуминсоний туйғулар инсон табиатида қарор топади. Ҳаётини маънавият шуъласига бурқай олган инсонгина эзгулик, ҳалоллик деб аталмиш алоҳий неъматларга бой бўлади.

Юртбошимиз Андижонда сўзлаган нутқида ўқувчи ёшларнинг касб танлаши муаммосига алоҳида эътиборни қаратди. Жумладан, касбни онгли ва асосли равишда танлашда моддий манфаат эмас, балки ижтимоий эҳтиёж, унинг заминида эса, ўз касбига содиқлик устун бўлиши зарурлигини таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, ўқувчини муайян касбга йўналтириш, келгусида касбнинг ўзига хос сифатлари, сиру асрорини ўргатиш, касбни тулақонли эгаллаб, мутахассис деган номга эга бўлган қадрни катта ҳаёт қучоғига учирма қилишда ўқитувчи—устознинг роли катта! Шунга кўра, ҳар қандай замон талабига жавоб бера оладиган, такомиллашган дастур яратилмасин, уни касб тарбиясини эгаллаган ўқитувчигина ўқувчига етказиб бера олиши мумкин.

«Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишида кўзда тутилган асосий мақсад ҳам узлуксиз педагогик таълим тизимида ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини ишлаб чиқишга қаратилган. Узлуксиз педагогик таълим халқимизнинг миллий тарбия бўйича эришган тарихий, иллизини тиклаш ва уни ривожлантириш билан бирга жаҳоннинг илғор цивилизацияси ютуқларини ҳам ўзида акс эттиради. Узлуксиз педагогик таълим орқали жаҳон педагогикасининг дурдона ғоялари миллий маданиятимиз хазинасини янада бойитади. Бир гап билан айтганда узлуксиз педагогик таълим ўзига хос янгича тафаккурдаги дорилфунун вазифасини ўтайди. Бу дорилфунунда касб тарбиясига бир умр содиқ қола оладиган ижодкор муаллимгина фаолият кўрсатади.

Демак, ҳар бир ижтимоий институт ўзининг узлуксиз таълимига эга бўлмас экан, малакали, ижодкор ва дунё стандарти талабига жавоб бера оладиган мутахассисни тарбиялаб бўлмайди. Чунки жамиятдаги барча тараққиёт ягона узлуксиз педагогик таълим тизимига асосланади. Узлуксиз педагогик таълим мақсадига мувофиқ келувчи ўқитувчи кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури «касбшунослик» ва «тарбиящунослик» деб аталувчи, бир-бирини изчил равишда тўлдирувчи икки қисмдан иборат бўлиб, касбшунослик — бўлажак мутахассисда касб бурчи, масъулияти ва касбининг шарафли томонларини англаш, ўз касбига содиқ қолиш ҳиссини тарбияласа, тарбиящунослик фани инсонпарварлик, юксак ахлоқий хислатлар, меҳнатсеварлик, адолат ва ҳақиқатдан дарс беради.

Ҳ. АБДУКАРИМОВ,
Гулистон университетининг доценти.

ИМТИҲОН МАВЗУСИДА
2-бет.

АНДИЖОНЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ
3-бет.

ФУТБОЛ ИНТЕРНАТЛАРИ ЎРТАСИДА МУСОБАҚА
4-бет.

Qo'shiq bayrami

ВАТАН — ОҲАНГГА АЙЛАНДИ

Мозий бизга қоронғу. Бироқ у томондан келаётган садоларнинг нақадар ҳақ ёки ноҳақлигини бугунимиздаги кечаётган жараёнлар таҳлил этиб беради. Борди-ю бу фикрга-да иштибоҳда бўлсангиз, билгичлардан бири айтади: «Ривоятлар ҳақиқатнинг синиқларидир». Шундай қилиб биз бугун дарж этмоқ ниятида бўлган фикрларимиз ибтидосини ўтмишнинг бир ривоятидан бошламоқчи бўлдик.

Эмишки руҳ яратилиб, Тангридан «вужудга кир» деган садо бўлибди. Қора лойдан ясалган вужуд қошига келган руҳ, андак кибрга мойил бўлиб, «шу лой «идиш»га кираманми» деган андишага борибди. О, шу сония шундан бир наво таралибдики, руҳ қай алфозада вужудга кириб қолганини билмай қолган экан. Хуллас, мана сиримиз фош бўлди. Энди нима демоқчи эканлигимизни илғагандирсиз. Ҳа-ҳа, яна қушиқ ҳақида...

Қушиқ ҳам ҳар бир даврнинг маълум маънода руҳини ифода қилиб туради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 ноябрдаги «Ўзбекистон қушиқ байрами тўғрисида»ги қароридан сўнг келажаги буюк давлати-

(Давоми 4-бетда).

JUMLADA JAHON

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг нефтгаз салоҳияти» халқаро конференцияси қатнашчиларига самимий тилаклар битилган табрик хати йўллади.

22 май куни очилган анъанавий XII Тошкент кинофестивалида 30 дан ошиқ мамлакатдан келган кино санъати усталари ўз фильмлари билан иштирок этишяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ Савдо вазирлиги маслаҳатчиси ва МДҲ мамлакатлари билан энергетика ҳамда савдо ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари бўйича вакили Ян Калицкини қабул қилди.

«Россия — НАТО асосий ҳамкорлик битими» имзоланишига бир неча кун қолганда Борис Ельцин агар Шимолий Атланта ҳарбий блоки собиқ СССРнинг бирор бошқа республикасини ўзига аъзо қилишга уринса, Россия НАТО билан муносабатини ўзгартиришга мажбур бўлади, дея баёнот берди.

АҚШ Президенти Билл Клинтон Россия билан НАТО ўртасидаги ҳамкорлик ўрнатилажагидан мамнун бўлиб, уни НАТО олдига қўйган муҳим вазифанинг бажарилиши сифатида таърифлади.

Афғонистон шимолида толибонлар генерал Абдул Малик бошчилигида генерал Абдурашид Дўстумга қарши исён кўтариб, Туркманистон билан чегарадош бўлган Фарёб вилоятини босиб олишган.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

ИЖОДКОРЛАР ТАШРИФ БУЮРИШДИ

Яқинда Тошкент давлат автомобиль йўллари институтининг 3-талабалар уйида қизиқарли ижодий учрашув бўлиб ўтди. Унда «Ёзувчи» нашриётининг директори, фантаст-ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов, «Ўзбекистон» нашриётининг бош муҳаррири Бахтиёр Омон, Республика миллий китоб палатаси директори Турғун Аюпов, таниқли шоирлар Нормурод Нарзуллаев, Абдували Қутбиддиновларнинг иштирок этиши учрашувнинг қизиқарли ўтишига сабаб бўлди.

Талабалар тарбиясида маънавиятнинг, адабиётнинг ўрни хусусида қизғин мунозаралар йиғилганларга манзур бўлди. Учрашув сўнггида талабаларга муаллифлар дастхатлари ёзилган китоблар совға қилинди.

А. ОЛИМОВ.

ЭКОЛОГИЯ — МУҲИМ МАСАЛА

Шу сабабли она замин мусаффолиги, уни келажак авлодлар учун асраш ҳеч кимнинг эътиборидан четда қололмайди ва қолмаслиги шарт. Экология борасида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилишнинг эса турли йўллари қидирилмоқда. Бу борада яқинда Шайхонтоҳур туманидаги 342-болалар боғчасида ўтказилган «Оила, мактаб, боғча ва экология» мавзуидаги ўйин-беллашув ҳам ўзига хос аҳамият касб этди. Унда оилавий командалар ўзаро: экологияга оид саволларга тез ва тўғри жавоб бериш, шу мавзуда расм чизиш ва уни шарҳлаш, «сирли сандиқ» топқирлик ўйини каби шартлар асосида беллашдилар. Болакайлар қалбига табиатга меҳр туйғусини олиб кирган бу беллашувда том маънода ҳеч ким ютқазмади.

Р. БОЙМАТОВ.

ТАРИХ ЎЗНИ АНГЛАШДИР

Яккабоғ туман Марказий кутубхона услубчиси Назира Элмуродова ташаббуси билан ўтказилган беллашув «Сулолалар етти сардори» деб аталди. Беллашувда тумандаги Гагарин ва А. Авлоний номли ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари иштирок этишди. Сулолангизнинг етти сардорини аниқласангиз ўзингиз билмаган кўп сирлардан огоҳ бўласиз. Ўз бағрига ҳалигача аждодлар сирини яшириб ётган бу ўлка ҳақида ўқувчилар тўплаган маълумотлар барчада катта қизиқиш уйғотди.

Фотима ИСЛОМ қизи.

ММММ — ХАБАРЛАРИ

ЎКСИК ДИЛЛАР ҚУВОНЧИ

«Бир кўнгил иморати, минг макка зиёрати» деган экан донолар.

Яқинда кўнгли ярим, митти юраклари меҳрга ташна болакайлар кўнгил иморатини озгина бўлса-да бутлаш учун савобли ишга қўл урилди. Айтмоқчи бўлганимиз Хўжайли шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»га ҳукуматимиз томонидан «Дамас» автомашинаси совға қилинди. Машина калитини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари А. Тожибоев «Меҳрибонлик уйи» директори Б. Туримбетовга тантанали вазиятда топширди.

Ғ. ЁҚУБОВ.

Bevosita muloqot

ИМТИҲОН МАВЗУСИДА

Газетамизнинг 14 май сонида Сизларни ўқувчиларнинг якуний аттестацияси ва синфдан синфга кўчириш ҳамда таянч ва ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатларнинг берилиши тартиби билан боғлиқ саволларга жавоб бериш учун Республика Халқ таълими вазирлиги бевосита мулоқот ўтказиши ҳақида хабардор этган эдик. Бўлиб ўтган бевосита мулоқот бу жараён кўплаб кишиларни қизиқтираётганлигидан далолат берди. Негаки, мулоқот вақти бошланмасданоқ туша бошлаган саволлар оқими, у тугагандан сўнг ҳам анчагача давом этди. Муҳими, умумий ўрта таълим Бош бошқармаси ходимлари барча саволларга атрофлича жавоб беришиб, бир талай англашилмовчиликларга ойдинлик киритди. Бу эса ўз ўрнида таълимда муҳим ҳисобланган ўзига хос мавсумнинг кўнгилдагидек ўтишига хизмат қилади.

Савол: Агар мажбурий имтиҳонлар рўйхатида бўлмаса лицей ва гимназиялар битирувчилари учун йўналиш бўйича қўшимча имтиҳон киритиш зарурми? (К. Муҳамедов, Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани 2-ўрта мактаб).

Жавоб: Агар мазкур таълим муассасаси йўналишига доир имтиҳонлар мажбурий имтиҳонлар рўйхатига киритилмаган бўлса, бу ҳолда мактаб педагогик кенгаши қарори билан қўшимча сифатида киритилиши мумкин.

Савол: Инглиз тилини чуқур ўрганувчи синфлар учун шу фандан синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари бўлиши мумкинми? (Тошкент шаҳридаги 195-мактаб 7-синф ўқувчиларининг бир гуруҳ ота-оналари).

Жавоб: Синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари барча таълим муассасаларида (унинг туридан қатъи назар) бекор қилинди. Унинг ўрнига ўқувчи билимини зачёт, ёзма текширув иши олиб, суҳбат, тест синовлари ўтказиб, улар натижасига асосан якуний баҳо қўйиш мумкин.

Савол: Биз яқинда бошқа шаҳарга доимий яшаш учун кўчиб ўтмоқчимиз. Ўғлим муддатидан олдин имтиҳон топшириши мумкинми? (М. Ли, Нукус шаҳри).

Жавоб: Ҳа, мумкин. Фақат «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Ўқувчиларни якуний аттестацияга қўйиш ва синфдан синфга кўчириш тартиблари бўйича йўриқнома»синг «Ўқувчиларни битириш имтиҳонларидан озод этиш» (4.2 пункти) бўлимида кўрсатилганидек яқин кунларда кўчишингиз ҳақидаги тасдиқловчи ҳужжат тақдим этишингиз лозим.

Савол: Ўқувчи қайси ҳолда жисмоний тарбиядан битириш имтиҳонларидан озод бўлиши мумкин? (Н. Содиқова, Тошкент шаҳри).

Жавоб: Жисмоний тарбиядан битириш имтиҳонларидан ўқувчи Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган касалликлар рўйхатига мос келган касалга дучор бўлган бўлса ва у ҳақда тиббий-назорат комиссияси (ВКК)нинг маълумотномасига эга бўлган тақдирдагина озод этилади. («Йўриқнома»нинг 4.1 пункти).

Савол: Менинг қизим тўққиз йил давомида «аъло» баҳоларга ўқиди. Лекин шу давр мобайнида жисмоний тарбия дарсларидан озод бўлиб келган. Шу ҳолда у таянч мактабни тугатганлиги тўғрисида имтиёзли гувоҳнома олиши мумкинми? (О. Крючков, Наманган шаҳри).

Жавоб: Касаллиги туфайли жисмоний тарбия дарсларидан ҳамда имтиҳонидан озод этилган ўқувчиларга таянч ҳамда ўрта маълумот тўғрисида имтиёзли гувоҳнома берилиши мумкин.

Савол: Кечки мактабнинг 11-синф ўқувчиси ўрта мактаб курси бўйича экстернат тартибида имтиҳонлар топширмоқчи. Бунга унинг ҳуқуқи борми? (Л. Пинчук, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи муовини).

Жавоб: «Ўрта ҳамда таянч мактаб курслари учун экстернат тартибида аттестация ўтказиш бўйича йўриқнома»нинг «Экстернларнинг аттестацияга қўйилиши тартиби» бўлими (1.1 пункт)га асосан ўрта мактаб курслари учун имтиҳон топширишга фақат 18 ёшга тўлган ва ундан катта бўлганлар қўйилади (таянч мактаб курси учун эса 16 ёшга тўлган ёки ундан катталар).

Савол: Агар ўқувчи битириш имтиҳони бўладиган куни касал бўлиб қолса, унга қай тартибда якуний баҳо қўйилади? (Қорабоев, Яккасарой тумани).

Жавоб: «Ўқувчиларни якуний аттесацияга қўйиш ва синфдан синфга кўчириш тартиблари бўйича йўриқнома»нинг 4.4 пунктида «Якуний аттестациялар даврида касал бўлган ва имтиҳонлар тугашигача тузалиб чиққан ўқувчилар педагогика кенгаши қарорига кўра қолдирилган имтиҳонларни топширадилар. Имтиҳонларнинг бир қисми такрорий имтиҳонлар топшириш даврида ўтказилиши ҳам мумкин», деб аниқ ёзиб қўйилган.

Савол: Ўқувчиларнинг меҳнат амалиёти қай йўсинда ўтиши керак. Шу шартми? (С. Каримова, Каттақўрғон шаҳри, ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари).

Жавоб: Ўқув режасига асосан синфдан синфга кўчадиган (5-синфдан бошлаб) ўқувчилар ўқув йили тугагандан сўнг меҳнат амалиёти ўтиши шарт. Унинг муддатини таълим муассасасида аниқлаш мумкин.

Меҳнат амалиёти шакли билан боғлиқ масалалар мактаб (педагогика) кенгаши зиммасида бўлиб, у маҳаллий таълимни бошқарув органлари билан келишган ҳолда белгилайди. Бунда биринчи галда иш туридан қатъи назар техника хавфсизлиги ҳамда болалар соғлиғини ҳимоя этиш талабларига риоя этилиши керак.

Савол: Агар битирувчи қандайдир сабаб билан барча қатори маълумоти тўғрисида ҳужжат ололмаса қанча муддат ичида уни олиши мумкин? (С. Мустаябова, Тошкент шаҳри).

Жавоб: Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатини ололмаган битирувчилар мактабдан уни хоҳлаган вақтида олиши мумкин.

Савол: Республика бўйича қанча мактабда бу йил имтиҳонлар компьютерда топширилади? Уларни топшириқлар ёзилган дискетлар билан таъминлаш тартиби ҳамда муддати қандай? (Т. Абдухолиқов, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари).

Жавоб: Вилоят халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон халқ таълими вазирлиги билан тузилган шартномага биноан Республика Таълим маркази билетлар ёзилган дискетларни ва тушунтириш хатларини 25 майгача уларга етказиши шарт. Улар ўз навбатида имтиҳонлар бошланишига бир кун қолганда шаҳар, туман халқ таълими бўлимларига, имтиҳон бўладиган кун эса халқ таълими бўлимлари бевосита мактабларга ушбу дискетларни етказишлари шарт.

Бу йил республика бўйича 500 та мактабда имтиҳонлар ЭҲМлар ёрдамида олинади.

ТЕСТ — БИЛИМДОНЛАР СИНОВИ

Ўрта мактабни тамомлаб, олий ва ўрта махсус билим юртларига кириб ўқиш кўпчилик ёшларнинг эзгу орзусидир. Ёшлар ўз ниятларини рўёбга чиқариш учун пухта билимга эга бўлишлари, ўз имконияти ва қобилиятига мос илм олиш соҳасини аниқ танлашлари зарур. Бунда ўқувчиларга ўқитувчилар, ота-оналар ёрдам берадилар. Давлат тест маркази ҳам имтиҳонларга тайёрланишда ёшларга кўмаклашиш йўлларини изламоқда.

Олий ва ўрта махсус билим юртларига кириш имтиҳонлари тестлар асосида ўтказилаётганлиги ҳаммага маълум. Тест ўтказишда тажриба тўпланиб, тестга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёни мукаммаллаштирилмоқда. Барча фанларга оид тестлар сони кўпайтирилиб, тест банки жамғармаси мунтазам бойитилмоқда. Тестларни кўп вариантли тарзда тузиш амалга оширилди.

Давлат тест маркази барча фанлардан тестларни ўзининг «Ахборотнома» журналида чоп этмоқда. 1997 йилда «Ахборотнома»нинг 12 та сони чиқарилди. Қизикувчилар «Ахборотнома»даги тестлардан фойдаланиб, ўз билимларини мустақил текшириб кўриш, ўқув дастури бўйича бўш ўзлаштирилган бўлимларни билиб олиш, етарли даражада мукаммал ўзлаштирилмаган мавзуларни қўшимча ўрганиш имкониятига эга бўлдилар. «Ахборотнома»да тестларнинг чоп этилишини ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчилар маъқуллашмоқда ва ўқувчиларнинг билимга қизиқишини орттираётгани, ўқувчи ўзининг билим даражасини тестлар орқали синаб кўраётганлигини мамнуният билан баён этишмоқда.

Тестга етарлича тайёргарликка эга бўлмаган абитуриент имтиҳонда руҳий зўриқиши, шошқалоқлик билан ишлаши, ҳаттоки, билим жиҳатидан етарлича тайёргарликка эга бўла туриб, жавоблар варақасини тўлдиришда камчиликка йўл қўйилганлиги сабабли паст кўрсаткичга эга бўлиши мумкин.

Битирувчи синф ўқувчиларини тест асосидаги синовларга тайёрлаш мақсадида Давлат тест маркази Республиканинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида ва Тошкент шаҳрининг барча туманларида ўқувчиларни хоҳиши билан тестдан ўтказди. Республика бўйича 20.000 дан ортиқ битирувчилар ўз билимлари ҳақида маълумот олдилар. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан тестда 6000 ўқувчи иштирок этди. Сурхондарё вилоятидан 3200, Андижон ва Жиззах вилоятларидан 2000 тадан ортиқ ўқувчилар тестларда қатнашдилар.

Синов вақтида ҳар бир ўқувчига ўқишга кирмокчи бўлган мутахассислик бўйича тест китобчаси ва жавоблар варақаси тарқатилди.

Ўқувчилар жавобларни белгилаб берган варақалар тест марказида машиналарда таҳлил этилиб, жавоби ҳар бир ўқувчига маълум қилинди.

Тестларнинг аҳамияти ҳақида Янгийўл туманидаги «Халқобод» иқтидорли болалар вилоят лицей-интернатининг директори Бухажал Эргашева шундай дейди: — «Тестлар ўқувчиларни олий ва ўрта махсус ўқув юртларига тайёрлашда яхши ёрдам бермоқда. Биз ўқувчиларга чуқур билим беришда тестлар асосида болалар билимини изчил ўрганиб бормоқдамиз. Айниқса, Давлат тест маркази билан ҳамкорликда ўқувчилар билимини аниқлаш бизга қўл келмоқда. 2 йилдан бери битирувчи курс талабаларини тестлардан ўтказмоқдамиз. Натижаларини ҳисобга олиб, ҳар бир ўқувчига зарур ёрдамни кўрсатамиз. Шунинг учун бўлса керак, кўпчилик лицей-интернатимизни тугатган ўқувчилар олий ва ўрта махсус билим юртига ўқишга кирмоқдалар».

Тестларни юқори синф ўқувчилари билан олий ва ўрта махсус билим юртларига ҳужжатлар топширгунларича ўтказилишининг педагогик аҳамияти каттадир. Ўқувчилар тест технологияси билан танишадилар, кириш имтиҳонларида тест саволларига жавоб беришда вақтдан унумли фойдаланишга ўрганадилар, имтиҳонда ўзларини эркин тутадилар.

Пўлат ҲОТАМОВ,
Давлат тест марказининг бош мутахассиси.



Яқинда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 248-мактабда мусиқа ўқитувчилари кенгаши бўлиб ўтди. Очиқ дарс шаклида ўтган мазкур семинарда турли мусиқа асбоблари ва қўргазмалардан, куй-қўшиқлардан фойдаланилди. Дарсни шу мактаб мусиқа ўқитувчиси Анвар Шукуров олиб борди.

Р. ШАРИПОВ олган сурат.

Davra suhbati

ИЛМ — ТАЪЛИМ ТАЯНЧИ

Республикамизда таълим мазмунини янгилашга, бойитишга салмоқли улуш қўшадиганлар, шубҳасиз — педагогика ва психология бўйича иш олиб бораётган аспирантлар, докторантлар, умуман олганда, ҳақиий илм кишиларидир. Таълимни тубдан ислоҳ этиш ҳақида гап кетаётган бир даврда улар ўз ишларини яна бир бор саранжомлаб олиш учун Қори-Ниёзий номидаги республика педагогика илмий-тадқиқот институтида давра суҳбатига тўпланишди. Уни шу институт директори Даврон Шодиев олиб борди.

— Ҳозирча яратилаётган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» моҳиятига назар солсак, — деди халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев. — **Уни амалга ошириш илмий-педагогик кучларни қанча ва қай даражада тўплашимизга жуда ҳам боғлиқ. Бир қарағанда жараён ўз ўзанидан бир маромда кетаётгандек туюлса-да, натижалар эса хотиржам бўлишга қўймайди.**

Аспирантлар ва докторантларнинг саноқлигинаси ўқув муддати тугашига ўз ишларини беришаяпти холос. Диссертацияларни ёқлашга чиқиш анча чўзилиб кетаяпти. Бу каби дангасаликка ким айбдор? Албатта, биринчи ўринда, аспирантлар ва докторантларнинг ўзлари ҳамда илмий раҳбарлари ва улар иш бажараётган муассасалар.

Ишни бошдан ўнглаб олишга тўғри келади. Аввало, аспирантларни қабул қилиш мезонлари ва талабларини замонавийлаштириш керак. Негаки, барча ғўрлик шу ердан бошланади. Натижада эса тадқиқотчилар даражаси пастлиги, улар танлаган мавзулар сийқалиги ниҳоядагина аниқ бўлиб қолади.

Масала муҳокамасида сўзга чиққан барча давра столи қатнашчилари илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш муаммолари ва улар ечими хусусида гапиришди. Бу борадаги ютуқлар, яъни педагогика бўйича — Б. Муранов, Н. Ойдинов, М. Усмонбоева, психология бўйича — Я. Алимқулов, Н. Соғинов, О. Шамиева йилнинг энг яхши чоп этилган илмий иши танловида ғолиб чиққанлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

ИНТЕРНЕТ INTERNET

СИНОВГА ТАЙЁР

Хитой ФАсининг ахборотига қараганда, хитой олимлари антиқа тажрибанинг уддасидан чиқдилар. Улар Шимолий Қутбдан олиб келинган балиқнинг генетик кодларини қанд лавлагининг кодларига қўшиб қўйишга муваффақ бўлдилар. Натижада эса қанд лавлаги 6—5 даража совуққа чидамли бўлиб қолди, бу оддий лавлагига нисбатан 2 марта камдир. Мазасига путур етмаган лавлаги, олимларнинг фикрича, 10—15 кун эрта пишади. Ҳозирча лавлагини дала шароитида синаб кўриш қолмоқда.

КАЛЛА ҚЎЙИШ ВА ҚОБИЛИЯТ

АҚШнинг Виржиния университетининг психологи Андриенна Уитол кутилмаган далилларни эълон қилди: тез-тез калла қўювчи футболчиларда ақлий қобилият даражаси пасаяди. Олима бунинг учун 14 ёшдан 29 ёшгача бўлган 60 нафар футболистни ўрганиб чиққан. АҚШ миллий футбол командасининг шифокори Верт Мандельбаум ҳам миллий гуруҳ футболчиларини текширувдан ўтказди ва «Калла қўйиш билан ақлий қобилият ўртасида бирор бир алоқа топмадик», деб эътироф этди.

ҲИМОЛАЙДА ҚИДИРУВ

Жаҳоннинг энг баланд Эверест (8848 метр) чўққисини забт этишга кўтарилган бир гуруҳ алпинистлар дараксиз йўқолди. Чўққига кўтарилаётган 37 ёшли И. Плотников, 46 ёшли А. Трошин, 53 яшар Н. Шевченко 8 майда 9 майга ўтар кечаси 8.700 метр юксакликка кўтарилган қорбўрондан сўнг дараксиз йўқолган. 8.300 метрга етгач дам олиш мақсадида тўхтаган В. Тумялис тасодифан омон қолган. Ҳар йили Эверестга ўнлаб сафарлар уюштирилади, лекин уларни нима кутаётганини ҳеч ким айтиб беролмайди.

Киме-биология ўқитувчимиз Муҳаммаджон Жалилов синфга кирдию дарҳол топшириқларни сўрашга киришди. Бепарвоман: олдинги дарсда каминалари ҳисобига битта аъло баҳо қўндирилган. Яна навбат айланиб келгунча... Аммо муаллимнинг нигоҳи болалар узра кезаркан, ногоҳ яна менинг рупарамда тўхтаса буладими? Кузларимни четга олдим.

— Қани, сен бу ёққа чиқ, — деди у кўрсаткич бармоғи билан мени имлади.

Огриниб, довдираганча ўқитувчи томон судраларканман, баҳона изладим. Ахир на китобга, на дафтарга битилган мавзуга кўз югуртирганман. Тўғри, муаллимдан дарс чогида эшитганларим сал-пал эсимда бор. Лекин шу топда билганларим тилим учида айланадию ташқарига чиқмайди. Маъносиз ғулдирайман.

— Ўқимабсан-да, а, — муаллим кўзимга тик қаради. — Ўтир баҳойинг «икки».

— Кеча сўроқдингиз-ку, муаллим... — деб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим. — Ҳа деб...

— Шунақа қилишингни билганим учун ҳам сендан сўраяпман. Ҳар кунги дарсни ҳар куни ўқиш керак.

— Майли, бундан кейин ҳар куни ўқийман. Бугунча баҳо қўйманг..

— Йўқ, мутомбирлик кетмайди, — дея муаллим синф дафтарига «5» ёнига ийриккина қилиб «2» битиб қўйди.

Йиғлаб юбордим. Йиғи аралаш уйғониб кетдим. Аммо қаерда ётганимни, қанақа аҳволдалигимни англолмай ўзимча қуксимга туфладим: «Хайрият тушим...».

Салдан кейин тула уйғониб тушимдаги ҳолатни қайта-қайта эсладиму беихтиёр кулиб юбордим. Қизиғи шундаки, бунақа тушлар — мактабим ҳамда собиқ устозлар ила кечмиш ҳолатлар уйқумда ҳар хил вазиятларда такрорланиб туради, мушоҳадаю хотираларга чорлайди: қадрдон билим даргоҳию севимли муаллимлар мени ўзларидан ҳеч узоқлаштирмайдилар, хобимдагини ўнгимда руҳий мулоқот тарзида давом эттирадилар.

Биз ўқиган йилларда мактабимиз Ғиждувон туманидаги учта энг йирик мактабнинг биттаси, боз устига, анча обрўли билим масканларидан ҳисобланарди. Атроф-теваракдаги тўлиқсиз ўрта мактабларнинг битирувчилари асосан шу ўқув даргоҳига талпинардилар. Ўз касбининг устаси бўлган фидойи муаллимлар эса ёшларнинг эътиборини қозонган эди.

Уйқумда ҳам сергаклантирган Муҳаммаджон Жалилов ана шундай обрўли устозлардан бири эканлигини ҳамиша тан оламан. Ҳаммамиз бу муаллимдан ҳайиқар, айни пайтда жуда ҳурмат қилардик. Ўша вақтларда ўқитувчимиз навқирон, сезгир ҳамда билимдон эди. Ҳар бир ўқувчининг қадам олишини, савиясию оилавий шароитини яхши биларди. Кейинчалик ҳатто олий ўқув юртларида ҳам бунақа ажиб инсонлар қамдан-кам учрашини аниқ ҳис этганман.

Шубҳасиз, оилавий муҳитдан ташқари, Олло-таоло унга айрича истеъдод бахш этганини кейинчалик тушундим. Гап шундаки, тумандагина эмас, бутун вилоятда «Андижоний домла» номи билан танилган машҳур боғбон устозимизнинг падари бузруквори уз фаолияти билан мени маҳлиё этган эди. Каттакон боғ ҳовлидаги саранжом-саришталик, осойишталик ҳамда нафислик, энг муҳими, майин овоздаги аниқ ифодалар мени тўлқинлантирган. Ислом дининнинг етук билимдони, туманнинг мўтабар кишиси бўлмиш «Андижоний домла» ҳаёт тақозосига кўра бевосита домлалик қилмас, ўзини ерга, дарахтларга бағишлаган кўринарди. У кишининг билимию антиқа кўчатлари ҳамда ширин-шарбат мевалари қўлимга қалам тутқазган.

Яна шуни эслайманки, Ислом дининнинг йирик пешвоси бўлмиш отаси туфайли ўқитувчимиз Муҳаммаджон Жалилов кўп азиятлар ҳам чеккан, ўзи ҳам эркинроқ ҳаракат қилолмаган. Аммо ўқувчилар, ҳамқишлоқлар, одамлар эъзозига эришган. Ҳозир ҳам нафақадаги ўқитувчи — чинакам боғбон сифатида уни кишилар бошларига кўтарадилар...

Нонушта маҳали уйқумда кечганларни ўнгимда давом эттирганча хаёл суриб ўтирганимда телефон жиринглаб қолди. Дастакни кўтарсам, мактабни биздан салкам ўн йил кейин тамомлаган, ҳозирда таниқли ёзувчи ҳамда ношир Нортўхта Қиличнинг овози.

Салом-алик, сўрашувлардан сўнг:

— 24 май куни мактабимиз етмиш ёшга тўларкан, — деди, — Тўйга таклиф этишибди. Таклифномангизни эртага етказаман. Айтиб қўяй дедим.

— Ҳм... яхши гап... — дедиму кулдим. — Шу учун мактаб тушимга кирган экан-да. Қизиқ...

— Мактабни тушда кўрдингизми?

— Ҳа, айни тонг маҳали Жалилов муаллим боплаб «2»ни босибди.

Нортўхта хохолаб кулди-да:

— У кишидан сиз ҳам «2» олганмисиз? — деб сўради.

— Бунисини аниқ эслолмайману лекин шунга ўхшаш тушлар гоҳида уйқудан уйготиб юборади, ўша домлаларни ўйлашга мажбур этади.

— Ҳаётда «2» олманг, деган маънода эслатиб туришса керак-да, — ҳазиллашди Нортўхта ва дарҳол жиддийлашди. — Ўзингиз ҳам уларни эслаб турарсиз-ки, тушингизга киришар. Айниқса, Жалилов домла ва бошқа ўқитувчилар ўзларидаги ўқитувчи — чинакам боғбон сифатида уни кишилар бошларига кўтарадилар...

— Ҳа, ўзим ҳам шундай ўйламан. Кейин... мактабимиз ҳам, жамоа хўжаликларимиз ҳам қашшоқлар доҳийси Ленин номи билан аталарди. Атроф хўжаликларнинг ҳамда билим масканларининг бариси қизил империя йўлбошчиларининг номида юритиларди. Ҳатто пионер дружинасию отрядларига ҳам буюк юртдошларимиз, миллий қаҳрамонларимиз номини беришга ҳеч ким журъат этолмасди. Бутун вужудимиз, миямиз ўргимчак тўрлари каби ленинизм, социализм, йўқсиллик ғоялари билан чирмаб ташланган эдики, эркинроқ нафас олишни, ўтмиш ҳақида бошқача фикр юритишни тасаввуримизга сиғдиролмасдик.

Энди ўйлашимча, муаллимларимиздан кўпларининг билганлари ичларида булган. Уни ҳамиша ҳам очиқ тарзда юзага чиқаролмаганлар.

— Ким қандайлигини Оллоҳнинг ўзи билади, ҳаммага бир хил тош қўйиш қийин. Ҳарқалай, эъзозлашга лойиқ устозлар анча-мунча: Ражаб Боймуродов (жойлари жаннатдан бўлсин), Қодир Мирзаев, Аъзам Ҳайдаров, Музаффар Турсунов, Музроб Акрамов, Мукаррама Умматова, ҳар бир ўқувчининг кейинги тақдири билан доимо қизиқиб, суриштириб юрган марҳум мактаб директори Бобоёр Раҳматов, кейинчалик етишиб чиққан кўпдан-кўп фидойи муаллимлар...

Марҳум шоир, журналист, ўқитувчи Мурод Халил-чи? Узимизнинг Йўлдош акани айтмайсизми?

— Шоир Мурод Халил шу мактабни, кейин дорилфунунни тамомлагач, сизлардан юқори синфларда тил-адабиётдан дарс берганини яхши биламан. Узимизнинг Йўлдош Муқимов эса...

— У киши уруш йилларида мактабимизда директорлик қилганлар, деб эшитдим.

— Рост, — деди.

Мен ҳам эшитганларим буйича уни тасдиқладим.

— Мактаб раҳбарлари орасида энг ёши Муқимов бўлган. Йўлдош ака сабоқларни ҳам, дастлабки парвозларни ҳам ўзимизнинг мактабдан олган. Кейинчалик ҳам у киши мактабдан алоқасини узмаган.

Шундай дедиму ўз гапим ўзимга таъсир қилди. Ўйлаб қарасам, сўнгги қатор йиллар мобайнида бизларни мустақил ҳаётга тайёрлаган, учирма қилган севимли даргоҳдан хабар олмабман, унинг ҳозирги тақдири билан бевосита қизиқмабман. Кўп мактабларда аҳвол танглигини эшитиб тураман. Бир вақтлар Ғиждувоннинг фахри ҳисобланган бизнинг мактаб аҳволи эндиликда қандай экан?

Шу ўйимни, ўзимга саволимни сезган каби Нортўхта симдан жавоб қайтарди:

— Билишимча, ҳозир ҳам ўз касбини ниҳоятда севадиган, фидойи ўқитувчилар мактаб устуни бўлиб турибдилар. Ўшалар уч-тўрт ойлаб маош олмай юрган чоғларида ҳам мактабни ташлаб кетмаганлар, борига қаноат қилганлар.

— Шунақа фидойилар туфайли дунё гўзал, гаройиб-да, укам. Ўшаларга ўхшаш тарбиячилар мустақил юртимизнинг чинакам фидойиларини, мустақил етакчиларини, юрт заҳматкашларини етиштирадилар. Уларни зиёрат қилиш — ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

— Демак, тушлагиларни унга айлантирамиз, — кулди Нортўхта, — Йўқ эса, Жалилов домлангиз ҳам, бошқалари ҳам бу баҳоларимизни пастлатиб қўядилар.

Кулганча дастакни қўйдим. Яна етмиш ёшга тўлган қадрдон мактабим, унинг бир-бирини такрорламайдиган, хилма-хил муаллимлари, ўзига хос анъаналари кўз ўнгимда жонланаверди ва лабларим беихтиёр:

— Ҳеч қачон завол топма, гуркираб яшайвер, янги-янги чинорлар етиштираверсин, севимли маскан, — дея шивирлади...

Муҳаммад САЛОМ,
ёзувчи.

To'yxat o'rnida

ТУШИМДА ҲАМ, ЎНГИМДА ҲАМ

Ilmiy-amaliy anjuman

ТИЛ БИЛГАН ЭЛ БИЛАДИ

Яқинда Бекобод шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ҳамда Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида «Мактабгача тарбия муассасаларида болаларни хорижий тилларга ўргатиш масалаларини такомиллаштириш» мавзуида республика илмий-амалий семинари ўтказилди. Семинарга педагог-олимлар, вилоят ХТБ ва Тошкент шаҳар ХТББ мактабгача тарбия бўлими бошлиқ ва мутахассислари, боғча мудираси ва тарбиячилари ҳамда бошланғич синф педагоглари ташриф буюришди. Семинар ўз ишини мактабгача тарбия муассасаларида илғор педагогик ғоя ва тажрибалар билан танишиш мақсадида шаҳар боғчаларига саёҳат ва чет тилларни ўргатиш усулларини кузатишдан бошлашди.

Кираверишдаёқ боғчаларнинг ўз номига муносиблиги сизга мамнунлик бахш этса, тарбияланувчиларнинг чет тили машғулотларидаги иштирокини кўриб беҳад қувонасиз. Биз ташриф буюрган 9- ва 13-болалар боғчаларида барча шароитлар яратилган: соғломлаштириш маркази, қўғирчоқ театри, стол театри, махсус ўйин хоналари, чет тили ўргатиш учун жиҳозланган хоналар мавжуд. Хорижий тиллар болалар онгига турли ўйинлар, эртаклар ва мусобақалар орқали сингириладики, бу тил ўрганиш баробарида уларга кўтаринки кайфият бахш этиб, дам олишларини таъминлайди. Тажрибали тарбиячи-ўқитувчилар — Насиба Эргашева ва Лайло Эшоновалар тарбиясини олаётган болаларнинг инглиз, немис тилларида бурро-бурро гапиришлари, шеър, қўшиқ айтишлари семинар иштирокчиларига ором бағишлаб, унутилмас таассурот қолдирди.

Дарвоқе, Бекобод шаҳрида 32 та боғча бўлиб, шундан 12 таси халқ таълими бўлимига қарашли бўлса, қолганлари ташкилотларга, жумладан, «Узметкомбинат» АИБ га қарашлидир. Шу ўринда ушбу ташкилот директор ўринбосари К. Азизов ва ҳоким муовини А. Исматовнинг семинар қатнашчилари билан кун буйи бирга бўлганлигини, йиғилишларда иштирок этиб, фикр алмашганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Куннинг иккинчи ярмида анжуманнинг йиғилиш қисми иш бошлади. Йиғилиш олдидан жажжи болажонлар чет эл қўшиқлари билан бадиий чиқишларини намойиш этишди. Ялпи йиғилишни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи муовини Йўлдош Саиджонов очиб бераркан, жумладан шундай деди: «Азиз ҳамкасблар, мутахассислар! Аввало, барчангизни бугунги анжуман билан табриклайман. Ўйлайманки, семинаримизга аъло кайфият ва зўр ғоялар билан келгансиз. Президентимизнинг қарорларида, унинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган гапида, энг аввало, халқ таълими соҳасига, айниқса, мактабгача тарбия муассасалари зиммасига катта масъулият юкланган. Чунки бугунги тарбияланаётган болалар эртага буюк давлатни қурадилар, дунёга эркин назар ташлайдилар. Лекин шу нарсани тан олиб айтишимиз керакки, ҳозирги кунда 25 фоизгина болалар боғчаларга тортилган. Қолганлари ота-оналар қўлида. Бу жараён қандай кечяпти? Семинарнинг, тажриба марказининг мақсади боғчаларда хорижий тилларни ўргатиш масаласини сизларнинг фикрларингиз асосида мукаммаллаштириш, қолаверса, буни оилагача олиб киришдир. Токи, мактабни битираётган ҳар бир ёш бирор чет тилини мукаммал биладиган бўлсин».

Шундан сўнг Тошкент вилоят ХТБ бошлиғи О. Тожиев сўзга чиқиб, боғчаларда чет тилларни ўргатиш вилоятда 1992 йилдан бошланиб, боғча — мактаб — жаҳон тиллари институти системаси жорий қилинаётганлиги ва яхши самара бераётганлиги ҳақида гапирди.

Халқ таълими вазирлиги мактабгача тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳамида Аҳмедова айни пайтда республика миқёсида 8,5 минг боғчадан 1000 тасида чет тилини ўргатиш ташкил қилинганлигини айтаркан, кейинги уч йил ичида 1000 та боғчанинг ёпилиб кетганлигини куйиниб гапирди, 2005 йилгача барча боғчаларни чет тилини биладиган тарбиячилар билан таъминлаш вазирлик олдида турган асосий вазифа эканлигини таъкидлади.

Йиғилишда сўзга чиққан олим ва мутахассислар ҳам болалар боғчаларида таълим-тарбия усуллари хусусида ўзларининг фикр ва ғояларини айтишди. Семинар қатнашчилари Республика Таълим маркази конкурс эълон қилган 18 та дастур асосида янги ва ихчам дастур яратиш ҳамда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш ва семинарни янаги анжумангача сиртдан давом эттириш тўғрисида келишиб олдилар.

Бекобод шаҳар ХТБ мудири М. Ортиқов қатнашчиларга, ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигини билдирди ва ушбу анжуман бекободлик халқ таълими ходимлари учун катта мактаб ҳамда тарихий воқеа бўлиб қолишини чин дилдан изҳор этди.

Улуғбек ОДИЛОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

АНДИЖОНЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ
(ХАЛҚ ТАЪЛИМИДА)

Бундай сарлавҳани матбуот саҳифаларида кўп ўқияпсиз. Бироқ уларнинг аксарияти ишлаб чиқариш борасидаги тажрибаларга бағишланган мақолалар. Шу боис тагсарлавҳамизда ХАЛҚ ТАЪЛИМИ сўзини ёздик. Зеро ишлаб чиқаришда таъкидланган ютуқларда таълимнинг ҳам ўз ҳиссаси бор.

Охирги вақтда Андижон вилоятида халқ таълимининг кетма-кет учта семинари ўтказилди. Ҳар бир семинарнинг мавзуи бошқа-бошқа. Бири янги турдаги ўқув муассасалари, бири ўқитувчиларнинг дам олиши, яна бири эса яқинда ўтган ва бугун саҳифамизда ёритилаётган ижодкор ўқитувчиларнинг анъанавий VI анжуманидир. Ушбу анжуманда республика семинарлари Андижонда тез-тез ўтказилаётгани бот-бот таъкидланди. Семинарларни ўтказиш учун одатда мавжуд мавзу бўйича иши яхши йўлга қўйилган вилоят танланади ва унинг иш тажрибаси ўрганилади, таҳлил қилинади.

Бундай пайтда Андижон ХТБ бошлиғи Жўрабой ака Халилов етакчилигидаги жамоанинг ишини алоҳида таъкидлашни истар эдик. Уларнинг кадрларни танлаш, улар билан ишлаш усули ўзига хос эканки, шундай натижалар мавжуд.

Мисол тариқасида янги турдаги ўқув муассасаларининг фаолияти билан вилоят ХТБ бошлиғининг биринчи ўринбосари Комилжон ака Абдураҳмонов шуғулланар эканлар. У киши кўпни кўрган инсон. Бир неча тилларни билади. Энг асосийси, таълим тизимини яхши билади. Таълимни ривожлантириш учун кўп ўқиб, ўрганиб, тинимсиз изланиш олиб бориш керак бўлади. Комилжон ака билан анчагина лицейларни бориб кўрдик, биз ҳам баҳоли қудрат ўзига хос журналистик тадқиқот олиб бордик.

Вилоят халқ таълими тизимида янги турдаги ўқув муассасалари раҳбарларининг 11 кишидан иборат вилоят кенгаши иш юритар экан. Кенгаш ойда бир марта йиғилиб, долзарб муаммолар ечимларини кўриб чиқади. Кенгаш раиси юқорида тилга олганимиз — Комилжон Абдураҳмонов.

Бу йилдан бошлаб вилоятдаги барча лицейларда «Лицей билан хайрлашув» тадбири 25 августда белгиланибди. Унда олий ўқув юртларига юқори баллар билан кирган битирувчиларга ташаккурномалар берилади. Баҳонада кимнинг қайси ўқув юртига кирганлиги аниқланади, катта конкурс сабаб битта-яримта ўқишга кира олмаган собиқ ўқувчилар билан яна ишланади. Бу тадбирларнинг барча механизмлари ишлаб чиқилибди.

Биз Андижон туманидаги физика-математика ва инглиз тилига ихтисосолашган 10-лицей-интернати, Шаҳрихон туманидаги математика, физика ва инглиз тилига ихтисослашган 22-лицей интернати, Шаҳрихон шаҳридаги 2-лицей-интернатларида бўлиб, улардаги ўзига хосликлар, янгича услублар, изланишлар, илк натижалар билан танишдик. Уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида мақолалар учун мавзудир. Келгуси сонларимизда улар билан танишишингиз мумкин.

Хуллас, саҳифамизда Андижон тажрибалари.

«МАЪНАВИЯТ ВА ШЕЪРИЯТ»

АНЪАНА ТАНТАНАСИ

Ҳар галгидек, баҳор борлиқни буткул ишғол айлаб, гирдо-гирдимиз қушларнинг музаффар чуғурига чулғанган бир пайтда нафис анъана яна тантана айлади...

Мустақиллик билан бир пайтда кириб келган ушбу удум, маорифчиларимиз тили билан айтадиган бўлсак, таълим тизимида ўткувчи «энг самимий мажлис», «мажолис ун-нафоис» — ижодкор ўқитувчилар республика анжумани анъанага кўра, ҳар йили баҳор ойида, мамлакатимизнинг гўзал гўшаларидан бирида ўтказилади. Бу йилги анжуман ҳам юртимизнинг Ҳизр назари тушган жойларидан бирида — Андижон вилоятида бўлиб ўтди.

МЕҲР-ОҚИБАТ ХИЁБОНИ

Дарҳақиқат, шундай. Бу биз ўйлаб топган орзу ёхуд афсона эмас. Андижон шаҳрини кезар экансиз, худди шундай номланган хиёбонни учратасиз. Хиёбон ичра кезинган қўҳлик қизларнинг узун кўйлакларию ярашиқли рўмоллари кўзингизни қувнатади. Қуркам йигитлар бошидаги дўппилар кўнглингизга алланечук таскин бахш этади. Хиёбон гирдидан бошланган уйлар, бир шоир таъбири билан айтганда, худди бир-бирига елка тутиб туришгандай таассурот қолдиради. Ва бир-бирларини кифтига кўтарган маҳаллалар вилоят бўйлаб ёйилади.

Беихтиёр шуурингизда вилоят — меҳр-оқибатнинг улкан хиёбони эканлиги равшанлаша бошлайди.

ДИЛНИ ЯЙРАТГУВЧИ ГЎША

Мирзо Бобур «Ҳар мусофир ва раҳгузар келса, анда истироҳат қилур» дея таъриф айлаган жой — Хўжаобод туманида жойлашган вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли «Дилкушод» дам олиш маскани бўлса ажаб эмас. Боиси, вилоятга машварат истаб келган ҳар бир маорифчи борки, бу гўшага, албатта, қадам ранжида айлайди. Бу сокин ва соҳир гўша нафақат вилоят, балки мамлакат таълим тизимидаги муаммолар ечимию янги ва фараҳли режаларга беланчак бўлгани ҳам сир эмас. Дарҳақиқат, 1992 йилда ташкил этилган ва йилига 1600 киши ҳордиқ чиқариши учун мўлжалланган «Дилкушод» дам олиш уйи, бу ердаги улкан боғ, шинам хоналар чиндан-да диллардаги барча мушкулларни кушод айлайдиган, ором берадиган гўша экан. Ҳар нечук, ижодкор ўқитувчиларнинг галдаги анжуманини ўтказиш учун айнан мана шу жой танлангани бежиз эмас.

ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИ КИМ?

«Истиқлолга эришганимиздан сўнг, — деди анжуманга ташриф буюрган халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, — бизга мустақилликни мустаҳкамловчи куч керак эди. Биз бу кучни мактабдан топдик. Бу куч — ижодкор ўқитувчиларимиздир. Мен ижодкор ўқитувчи деганда икки тоифадаги муаллимларимизни тушунаман. Бири ўз ишини пухта билган, изланувчан, фидойи ўқитувчи бўлса, иккинчиси ўз ишининг устаси, изланувчан ва шу билан бирга бадиий ижодга эш бўлган муаллимдир».

Ижодкор муаллимларимиз зиммасида жуда масъулиятли вазифа туради. Улар келажак олдида жавобгарлик ҳиссини чин қўнгилдан, бошқа ҳамкасбларидан-да теранроқ туя билганликлари туфайли ҳам масъулият кўпроқ уларнинг кифтига тушади. Дарвоқе, улар таърифга муҳтож эмас. «Арзимаган ижодимизга шунчалик эътибор беришаётганидан ҳаяжондаман», дейди анжуманнинг бир камтарин қатнашчиси. Улар шундай дейишадиу кеча-кундуз тилларида, дилларида шеър гупуриб туради — ярим кечаси дераза ёнидан бир киши шеър ўқиб ўтиб кетди...

Зомин туманидан келган бир ўқитувчининг оёғини боғлаб юрганини кўрдик. «Шамолладтиб қўйибман, — деди у ҳижолат тортиб, — ҳар сафар мактабга боришимда дарёни кечиб ўтаман». Унинг ҳолатини, айнан шу гапни айтаётгандаги фидойи ҳолатини кўриб, юрагимиз «жиз» этиб кетди — ҳа, мана ҳақиқий ижодкор ўқитувчи.

МАЪНАВИЯТ АСЛИ ШЕЪРИЯТДА

Шеърият ва маънавият эгиз тушунча. Шеърият маънавиятдан иборат бўлгани каби, маънавият асли шеъриятдадир. Шу боис ҳам ижодкор ўқитувчиларнинг бу галги анжумани «Маънавият ва шеърият» деб аталди. Анжуман ишида ижодкор муаллимларимиз қаламига мансуб асарлар Ж.Жабборов, Й.Сулаймон, Н.Нарзуллаев, С.Барноев, Муҳаммад Али, Т.Адашбоев, Э.Маликов, И. Отамурод, Ш. Бўтаев, Паймон, Р.Мусурмон каби таниқли шоир-ёзувчилар томонидан кўриб чиқилди. Саралланган асарлар тўплам ҳолида чоп этилиши учун тавсия қилинди.

ШУ ЎРИНДА...

Утган йилги анжуман самараси ва Халқ таълими вазирлигининг саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ дунё юзини кўрган «Муборак дамлар» китоби хусусида ҳар қанча илиқ гап айтилса арзийди. Ижодкор ўқитувчиларимиз ижодидан ташкил топган мазкур китоб, ёзувчи Йўлдош Сулаймон таъбири билан айтганда «янги, мустақиллик даври адабиётини яратишда алоҳида ҳисса бўлиб қўшилади». Қувончли томони шундаки, ўқитувчиларимиз ижодига туманларда ва вилоятларда ҳам эътибор кучайиб бормоқда. Улар ижоди тўплам ҳолида чоп этилмоқда. Бунга мисол тариқасида Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан нашр этилган «Меҳр», «Инсон ва шаъм» тўпламларини, Қўрғонтепа тумани халқ таълими бўлимининг муассислигида босмадан чиққан «Ишқ аталмиш бир туйғу бор» китобларини санаб ўтиш мумкин. Мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам бу хайрли иш тобора кенг қулоч ёймоқда. Андижон анжуманидан саралланган асарлар ҳам тез орада китоб ҳолида чоп этилиши ва ўқувчиларга манзур бўлиши, шубҳасиз.

ҲАЯЖОНЛИ УЧРАШУВЛАР

Анжуман иштирокчиларининг гуруҳларга бўлинган ҳолда вилоятнинг 14 та туман ва шаҳарлари мактабларига бориб ўтказган учрашувлари, айниқса, ҳаяжонли кечди. Қизиқарли учрашувларда ижодкорларимиз томонидан ўқилган шеърлар мезбонларда нечоғлик хушкайфият туғдирган бўлса, ўз навбатида Андижон вилояти билан танишув, бу ердаги мактаблар ишини ўрганиш ижодкорларимизда ҳам олам-олам таассурот қолдирди. Эндиликда мамлакатимизнинг турли бурчакларида Андижон ҳақида соғинч билан битилган шеърлар янграб қолса, асло ажабланарли ҳол эмас.

БУ БИЛИМ ЮРТИ ҲАҚИДА ЭШИТГАНСИЗ

Анжуман сўнггида ижодкор ўқитувчиларимиз Бўз педагогика билим юртига ташриф буюрдилар. Билим юрти жамоасининг меҳмоннавозлиги, ораста ва саришталиги, бу ерда амалга оширилаётган ибратли ишлар меҳмонларга кўтаринки кайфият ва завқ бағишлади.

Дарвоқе, таърифга не ҳожат — бу билим юртини эшитмаган, билмаган одам кам бўлса керак. Ушбу масканда амалга оширилаётган ибратли ишлар жуда кўп. Шу боисми, ёшлар бу масканга ошиқиб келишади.

«Директор қандай бўлса мактаб ҳам шундай бўлади», дея ташхис қўяди билимдон маорифчиларимиз. Бўз педагогика билим юртига мана 10 йилдан зиёд вақт ўтибдики, шоир, Узбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, олий тоифали ўқитувчи, Узбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Тўлан Низом раҳбарлик қилиб келади. Эҳтимол, Тўлан акадаги ижодкорлик, изланувчанлик жамоани жипслаштирган, яхши ишларга бошлагандир, айни пайтда жамоанинг аҳиллиги ҳам раҳбарни ижодкорликка ундагани, шубҳасиз. Ҳарқалай, «қарс икки қўлдан чиқади».

Республика ижодкор ўқитувчиларининг VI анжумани Бўз тумани маданият саройида катта тантана ва шеърлар жаранги остида якунланди.

Саҳифа материалларини Ҳ. САИДОВ ва И. БЎРИБОЕВ тайёрлади.

1997 yil — Inson manfaatlari yili

ИСЛОҲОТ ИНСОН УЧУН

Озод ва ҳур мамлакатимизнинг буюк келажак сари интилаётган ҳар бир куни савобли ва шукуҳли воқеаларга, мислсиз мазмунли ишларга бой бўлмоқда.

Юртбошимизнинг «Узбекистондай юртда яшашнинг ўзи катта бахтдир», деган ҳикматомуз сўзлари, 1997 йилни мамлакатимизда «Инсон манфаатлари йили» дея эълон қилинишига маънавий асос берган бўлса, не ажаб. Бугунги кунда мамлакатимизда инсонни ардоқлаш, унга ҳар томонлама тугал иш ва дам олиш шароитларини яратиш барчамизнинг фаолиятимизда асосий негиз бўлиб қолмоқда.

Инсонни ҳар томонлама ардоқлаш йўлида амалга оширилаётган ишлардан бири соғлом авлодни камол топтиришдир. Амир Темурдек буюк бобокалонимиз ўзининг қудратли давлатини тузишда ишнинг худди шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Соғлом авлодни ҳар томонлама мукаммал вояга етиштириш биз халқ таълими ходимлари зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Шу боис Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш авлодни соғломлаштириш муаммолари тўғрисида»ги Қарорини, бу борадаги республика Халқ таълими вазирлигининг махсус буйруғини, ҳайъат йиғилиши қарорини бажара бориб, вилоят халқ таълими бошқармаси ҳам ўша йили «Соғлом авлод учун» мажмуий дастурини қабул қилди. Уни амалга оширишда вилоятимиздаги кўплаб ташкилотлар ва саховатли инсонлар ҳомийлик ёрдамини кўрсатдилар. Вилоят халқ таълими бошқармаси ўзининг иш фаолиятида бунга алоҳида аҳамият бермоқда. Мана, тўрт йилдирки, болалар ёзги соғломлаштириш даврида ташкилот касаба уюшмаларининг ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларида ташкил этилган соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиб келишяпти. Шунингдек, Хонобод шаҳридаги «Иқтидорли болалар вилоят Маркази»да ёзда умумтаълим лицейларининг ўқувчилари, Хўжаобод туманидаги «Ордай» ҳамда Пахтаобод туманидаги «Гулистон» оромгоҳида ҳунар лицейи, бизнес мактаби ўқувчиларининг дам олишлари ташкил қилинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, янги ўқув йилидан бошлаб Хонобод шаҳридаги «Иқтидорли болалар вилоят Маркази» вилоят ҳокимлигининг ёрдами билан йил давомида соғломлаштириш билан шуғулланадиган «Артек» типидаги масканга айлантирилди. Ажаб эмаски, республикамиз вилоятларидаги ҳамкасбларимиз хоҳиш билдирсалар, вазирлик мувофиқлаштирувчиликни қўлига олса, бу масканда бошқа вилоятлар ўқувчилари ҳам дам олиш имкониятига эга бўладилар. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг Ватанимизнинг кўркам табиати, ажойиб халқи ва мустақиллик йиллари барпо этилган улкан иншоотлари билан танишиш имконини кенгайтиради. Пахтаобод туманидаги «Гулистон» оромгоҳи шу йилдан бошлаб ҳунар лицейлари, касб-ҳунар ва бизнес мактабларининг ота-онасиз қолган болалари учун йил давомида ишлайдиган дам олиш масканига айлантириш бўйича таклифларимиз вилоят ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу жараён «Инсон манфаатлари йили»да алоҳида аҳамиятга молик иш бўлса ажаб эмас.

Дунёда касблар кўп. Лекин муаллим меҳнати ва унинг машаққатига тенглаша оладиган касб деярли йўқ. Шу боисдан муаллим меҳнатини қадрлаш, унга ҳар томонлама қулай меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида амалга оширган улуғвор соҳаларидан бирига айланганлиги бежиз эмас.

Истиқлолга эришувимиз барча соҳаларда бўлгани каби халқ таълими тизимида ҳам имкониятлар салмоғини янада кенгайтирди. Бу имкониятлардан яхшироқ фойдаланиш тўғрисида кўпчиликдан фикр сўрадик. Ана шундай тадбирлардан бири 1991 йили куз ойларида бўлиб ўтди ва минг афсуслар бўлсинки, унинг якунида биз халқ таълими ходимлари, аксарият фахрийликка чиққанларидан сўнг мактаб ва маориф ҳаётидан, касбдошларидан деярли ажралиб қолаётганликларини билдик. Ахир бутун умрини қувноқ болалар ва мактабдаги жўшқин ҳаёт орасида ўтказган инсон учун бу ҳол анча қийин кечади-ку! Шу боисдан вилоят халқ таълими тизими ривожига катта ҳисса қўшган ибратли умр соҳиблари П.Қаюмов, Г.Наимов, С.Маматхонов, Х.Қодиров, Х.Носиров, А.Абдуллаев каби кўплаб фахрийлар билан бир неча бор маслаҳатлашган ҳолда вилоятда халқ таълими фахрийлари вилоят кенгашини тузишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Бу иш аввало қуйи ташкилотлардан бошланди. Боғча, мактаб, ҳунар билим юртлари қошида фахрийлар гуруҳлари, шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари қошида эса фахрийлар кенгашлари тузилди. 1991 йил 5 ноябрида халқ таълими фахрийлари вилоят кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. 1992 йил январь ойида фахрийлар кенгаши Низоми тўла тасдиқланди. Мазкур кенгаш ва унинг Низоми вилоят Адлия бошқармаси томонидан рўйхатга олинди.

Мана беш йилдан зиёд вақт ўтдики, фахрийлар кенгаши муносиб фаолият кўрсатмоқда. Фахрийларимиз барча ишларимизда яқин кўмакдош. Аввало, уларнинг бой ҳаётий тажрибаси ёш авлодни ахлоқий пок, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга йўналтирилди. Улар раҳбарлик қилаётган «Педагог одоби» кенгаши ўқитувчи-мураббийлар билан бирга ўқувчилар орасида одоб ва ахлоқ масалаларини таркиб топтиришда бизга катта ёрдам бермоқда. Уларнинг маслаҳати туфайли халқ таълими ходимларининг кўкрак нишони, мукофотлари, «Зиёкор» ғазетаси, халқ таълими музейи ташкил этилди ва таълим тизимида муваффақият билан фаолият кўрсатмоқдалар.

Ана ўша фахрийларимиз вилоятимизда ўқитувчиларнинг дам олиш масканини барпо этиш хусусида ҳам фикрлар билдирдилар ҳамда ёрдам бердилар. Улар раҳнамолигида Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли «Дилкушод» оромгоҳи 1992 йили ўзининг дастлабки дам олувчиларини қабул қилди. Кўримсиз, деярли обод қилинмаган жойда ташкил этилган мазкур маскан ўтган йиллар мобайнида вилоятимиздаги барча шаҳар ва туман таълим муассасалари раҳбар ходимларининг фидокорона меҳнатлари туфайли ниҳоятда файзли гўшага айланмоқда. Айниқса, ушбу йил Халқ таълими вазирлигининг ушбу семинарни ўтказиш тўғрисидаги хати ва буйруғи ҳамда вилоят ҳокимлигининг шу масала бўйича тадбирлари туфайли янада гўзаллашди. Келгусидаги режаларимиз янада улуғ. Бинолар сонини кўпайтириш ва бутун йил давомида ишни ташкил қилиш ниятларимиз бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Дилкушод» ҳеч қандай шов-шувларсиз, вилоят ҳокимлиги ҳамда республика Халқ таълими вазирлигининг қўллаб-қувватлашлари ва амалий ёрдамлари асосида ҳашар йўли билан бунёд этилди. Бу маскан андижонликларнинг яна бир олижаноб хислати — юксак бунёдкорлик ишларидан бир лавҳа сифатида келажакка тортиқдир.

Жўрабой ХАЛИЛОВ,
Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи.



Шаҳрихон шаҳар Обид Содиқов номидаги 2-лицейнинг биринчи тоифали ўқитувчиси Мўминжон Раҳимов ёш кимёгарлар илмий жамияти аъзолари билан навбатдаги тажрибани ўтказмоқда. Унинг шогирдлари вилоят, республика фан олимпиадаларида иштирок этишиб, совринли ўринларни қўлга киритишган. М. Раҳимов методик қўлланмаларни яратишда ҳамкорлик қилган.

Ю. ТЕМУРБОЕВ олган сурат.

ИНСПЕКЦИЯ ИЗЛАНИШЛАРИ

Юртбошимиз Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи, Андижон вилояти халқ депутатларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларида халқ таълими тизимида ўтказиладиган ислоҳотлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Таълимнинг 12 йиллик бўлиши назарда-тутилаётганлиги муносабати билан жойларда қўшимча синф хоналари ташкил этиш ҳамда ўқитувчи ва тарбиячиларга бўлган эҳтиёжни тўла қоплаш мақсадида муайян ишлар бошлаб юборилди. Амалга оширилаётган ислоҳот ҳозирданоқ Давлат таълим стандартлари бўйича вилоят инспекцияси ходимлари зиммасига масъулиятли вазифаларни юкламоқда.

Бугунги давр ўртага қўйган вазифалардан бири халқ хўжалигининг турли тармоқларида дунё мезонларига мос келадиган иш ташкил этиш ва маҳсулот тайёрлашдир. Бизнинг олдимизга эса ўқувчилар билимини дунё мезонларига жавоб берадиган даражага кўтариш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш вазифаси турибди.

Вилоят инспекцияси мазкур вазифани бажаришда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Таълим муассасаларини аттестация ва аккредитациядан ўтказиш ҳақида»ги Низом ва бошқа таълим соҳасидаги меъёрий ҳужжатларга амал қилмоқда. Вилоятда Давлат таълим стандартлари бўйича вилоят инспекцияси тузилгандан сўнг ўтган бир йилдан ортиқ вақт мобайнида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Жумладан 20 та фармон, қарор ва буйруқлар таҳлил этилиб, муҳокама қилинди. Шу билан бирга бошқарма томонидан тасдиқланган қатъий жадвал асосида вилоят инспекцияси томонидан 25 та лицей, 5 та мактаб-интернат, 5 та мактабдан ташқари муассаса, 9 та касб ва бизнес мактаблари аттестациядан ўтказилди.

1996 йил якунига кўра, вилоятдаги мавжуд 671 та мактабнинг барчаси, 491 та мактабгача тарбия муассасаларининг барчаси, 136 та мактабдан ташқари муассасанинг 89 таси, 58 та янги турдаги ўқув муассасаларининг 22 таси, 32 та касб ва бизнес мактабининг барчаси аттестациядан ўтказилди. Булардан 71 та мактаб, 6 та мактабгача тарбия ва 16 та мактабдан ташқари муассасалар, 5 та касб ва бизнес мактаби, 8 та лицей аттестациядан шартли, қолганлари эса аттестациядан тўла ўтди деб топилди. 1996 йил давомида аттестациядан шартли ўтган таълим муассасаларини жорий йилда қайта аттестациядан ўтказиш режалаштирилган. Булардан ташқари Давлат таълим стандартлари бўйича шаҳар, туман инспекцияси ходимлари учун ҳар ойда бир марта аниқ мавзулар асосида вилоят семинарлари ҳамда ҳар ойнинг биринчи сешанба куни «Ўзаро тажриба алмашиш кунлари» (тасдиқланган жадвал асосида) ташкил қилинмоқда.

Давлат таълим стандартлари вилоят инспекцияси мазкур соҳани янада такомиллаштириш юзасидан турли изланишлар ва янгиликларни жорий қилиш ишларини давом эттираверади.

Т. ТЎЙЧИЕВ,
Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари,
Давлат таълим стандартлари вилоят инспекцияси бошлиғи.

ВАТАН — ОҲАНГГА АЙЛАНДИ

(Боши 1-бетда).

миз ва унинг бунёдкор, бағри кенг, меҳри дарё халқини мадҳ этувчи, инсонлар қалбида муқаддас Ватан тупроғини асраш, керак булса жон фидо қилишга ундовчи юзлаб қўшиқлар яратилди. Бу жумлаларнинг қанчалик тўғри ёзилганига куни кеча таълим тизимида булиб ўтган «Қўшиқлар байрами»нинг якуний босқичини томоша қилганлар гувоҳлик бера олса керак.

Алқисса, танловда республика халқ таълими вазири Жура Йулдошев, вазир ўринбосари ва яна бевосита ушбу танловни ўтказиш буйича ташкилий қумита раиси Йулдош Саиджонов, ХТВнинг маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи — раис муовини Марат Шафиев ва бошқалар иштирок этишди.

Пойтахтимиздаги Ҳамза театри биносида икки кун давом этган ушбу танловда республикамизнинг турли вилоятларидан келишган дасталар ўзларининг санъатларини намойиш этдилар. Ҳар бир даста саҳнага янги бир «нарса» олиб чиқишди. Бу дегани демак ҳар ким ўзича изланди, ўрганди. Аслида бу хил тадбирларнинг ўтказилишидан мақсад ҳам шу булса керак. Бу деганларимиз албатта натижанинг зоҳирий суръати. Агар маънавиятга бўлган таъсири хусусида ёзмоқчи бўлсак унинг ўзи алоҳида мавзу.

Ва ниҳоят демоқчи бўлганимиз шуки, мазкур кўрик танловнинг интиҳоси шу тарзда намоён бўлди. Яъни ҳакамлар ҳайъатининг маълум қилишича, мусобақада Республика ўқувчилар саройининг хор жамоаси «Мустақиллик лолаларимиз» қўшиғи учун биринчи ўринни эгаллашга муяссар бўлишди. Иккинчи ўрин Хоразм вилояти Болалар фольклор этнографик дастасининг «Ҳумо ва Булбул» асари ижроси учун, учинчи ўрин эса Бухоро вилоятининг «Самандарий ва уфорийси» мақомининг ижроси учун берилди. Шу билан бирга Каттақўрғон шаҳридаги 2-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Алишер Қодиров «Ватан умиди» қўшиғи учун, Наманган вилоятининг «Бўстон» фольклор дастаси, Сирдарё шаҳридаги 3-мактабнинг 2-синф ўқувчиси Нодира Қурбоновага «Нишолда» қўшиғи учун рағбатлантирувчи ўринлар берилди.

Дарҳақиқат, кўрик-танлов ҳақида айтганларимизга нуқта қўймасдан илгари яна битта гап. Мақоламиз аввалида руҳнинг вужуд иморатига қайёусинда банди бўлганлиги ҳақида айтдик. Бу ривоятнинг қанчалик тўғри-нотўғрилиги бизга қоронгу-ю, аммо шуниси аёнки, биз чизги берган бугунги танлов жараёнида ижро этилган куй-қўшиқлар орқали, юракларга Ватан тушунчаси оҳанг булиб сизиб киролди.

Шундай қилиб қўшиқлар ҳақида жўшиб, баъзи жойларидан олиб, баъзи жойларига қўшиб, гоҳо ажабланиб, гоҳ ҳаяжонга тушиб айтганларимиз бор-йўғи шуғина бўлди, холос.

Алишер НАЗАР.

ЯХШИЛИК НИҲОЛЛАРИ

Yodnoma

«Меҳр — кўзда» дейди халқимиз. Кўз-кўзга тушиб турса, кўнгил кўнгилдан сув ичади. Меҳр ортади. Аммо ҳеч ким бу дунёда абадий яшаб қололмайди. Ғанимат умрини яшаб, биров олдин, биров кейин оламдан ўтади. Уни фарзандлари, ака-укалари, дўстлари куйиниб эслаб юради. Йиллар ўтган сари қайғу, алам изтироблари сўниб, хотиралар хира тортади.

Аммо яхши ишлари билан меҳр қозонган одам ҳақидаги хотиралар йиллар ўтган сари ёрқинлашиб, бойиб, илдиз отиб боради — номи ўчмайди. Ана шундай олижаноб қалбли одамлардан бири, фидойи маорифчи Муҳаммади Турсунов эди. Қорадарё туманида ҳам, Каттақўрғон шаҳрида ҳам у кишини кўпчилик танир, ҳурмат қиларди. Ўқитувчилар, ўқувчилар ота-оналар орасида обруси баланд эди. Ҳамма у кишини юксак маданиятли, кўли ҳам, дили ҳам покиза, ҳалол инсон деб биларди.

Бу обру, ҳурмат, эҳтиром у кишининг туман халқ маорифи бўлими мудири булиб хизмат қилгани учунгина эмас, эл-юрт дарди билан яшагани, ёшларга, ҳамкасбларига меҳр-оқибатли, садоқатли бўлгани учундир.

Уша вақтда Қорадарё туманида иккита ўрта мактаб бор эди. Бири Пайшанбадаги, бири Каттаминг қишлоғида. Қолган қишлоқларда тўрт йиллик, етти йиллик мактаблар... Уларнинг кўпчилиги бойлардан қолган, пугари кетган ҳовлилар эди. Муҳаммади Турсунов замонавий мактаб бинолари қуриш учун ташкилотчи раҳбар, ватанпарвар сифатида ўзини кўрсатди.

У кишининг таржимаи ҳолига назар солсангиз, фавқулодда ажралиб турадиган янгилик топмаслик мумкин. 1919 йилда Каттақўрғон туманидаги Жом қишлоғида туғилган. У она қорнидалигида отаси вафот этган. Онаси Бегимойбиби етти фарзандини не-не машаққатлар билан катта қилган. Муҳаммади қишлоқ мактабини битириб, Каттақўрғон муаллимлар билим юртига ўқишга киради.

1938 йилда уни битириб, Қорадарё туманидаги Кичик Мундиён қишлоғига ўқитувчи булиб ишга боради. Кейин ҳарбий хизматта чақирилади. Фашизмга қарши жанг қилиб, 1942 йил охирида оғир ярадор булиб, қайтиб келади. Яна қадрдон касби ўқитувчиликни давом эттиради. Мактабларда, Каттақўрғон педбилим юртида илмий булим мудири булиб ишлайди. Кейин Самарқанд давлат университетининг тарих булимини битиради.

Қорадарё туман халқ маорифи бўлимининг мудири этиб тайинланади. Оила қуради. Рафиқаси Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Музаллат опа Хайруллаева билан қобил фарзандлар ўстиради. Аммо фарзандлар камолини кўриш отага насиб қилмаган экан. Қирчиллама қирқ ёшида боқийга юз тутди.

У киши юриш-туришида ҳам, муомалада ҳам, ишда ҳам ҳаммага ибрат буларди. Дид билан озода кийинар, эртани ўйлаб иш юритарди. Зуваласи раҳбарлик учун яратилганга ўхшарди. Салобатли кўринар, аммо жуда дилкаш, дилгир суҳбатдош эди. Доим: «Ўқитувчи, аввало, ўзи тарбияланган, маданиятли одам бўлиши керак», дерди. «Ўқитувчи ўз устида ишламаса, ўқувсиз бўлса, ўқувчиси ҳам саводсиз, лоқайд булади», дерди. «Ўқувчини қуруқ гап билан дарсда зериктириш, ўқишдан бездириш эмас, китобга ҳавас, фанга қизиқиш уйғотиш зарур», дерди. Ўзи кўп ўқир, бошқалардан ҳам шуни талаб қиларди.

Муҳаммади ака гулни яхши кўрарди. Ҳовлисига ҳар баҳор турфа гул экар, болалари билан парвариш қиларди. Уларнинг яшнаб турганини кўриб баҳри дили очиларди.

Директорлардан мактаблар атрофига дарахт ўтказишни, ҳовлиларини гулзор қилишни, болаларда табиатга меҳр уйғотишни талаб қиларди. 42-мактаб директори Фозил Каримовни ҳаммага ибрат қилиб кўрсатар, ундан ибрат олиш лозимлигини уқтирарди.

Шоир Мамарасул Бобоев эллик ёшга кирганда каттақўрғонда катта шодиёна, шеърият байрами бўлган. Шунда Абдулла Қаҳҳор билан бирга кўп таниқли шоирлар Муҳаммади аканинг ҳовлисида меҳмон бўлишган. Абдулла Қаҳҳор ҳовлидаги ораста гулларни кўриб, завқланиб кетган, ҳовли соҳибининг дидига офарин айтган эди. Мамарасул Бобоев у кишининг гапини маъқуллаб, гулзор оралаган, шеърлар ўқиган эди.

Шоир, ёзувчиларнинг бу хонадонга таклиф этилиши, ташриф буюриши тасодифий эмас. Муҳаммади Турсуновнинг акаси Бурхон Турсун шоир эди. Кўп қатори урушга кетган, ғалабага яқин қолганда, Берлин учун жанг қилаётганда ҳалок бўлган. Урушдан олдин матбуотда шеърлари босилиб турган. Мамарасул Бобоев уни яхши биларди. Шеърларини тўплаб, китоб қилиб нашр эттирган эди.

Урол Бозор, Рўзимурод Нурназаров, Аҳад Каримий, Малик Элмуродов, Шамси Одил, Сирожиддин Самариддинов каби ўқитувчи шоирлар, Тоҳир Каримов, Раҳим Сатторов каби журналистлар у кишининг дўст-улфатлари, шогирдлари эди.

Академик Воҳид Абдуллаев: «Сиз ҳақиқий дипломатсиз», деса, профессор Турсун Бобохонов: «Сиз илмий даража олмасангиз ҳам, ҳақиқий олимсиз», дерди. Профессор Ҳамдам Бердиёров: «Навоий замони бўлганда Султонали Машҳадийдай моҳир хаттот бўлардингиз» деса, профессор Рустам Каримов «Қомусий олим» дерди.Хуллас, Муҳаммади Турсунов олимлар орасида ҳам маълум ва машҳур эди.

Яхши одамдан яхшилик қолади. Яхши ном қолади. Муҳаммади Турсуновдан шинам ва обод мактаблар, ҳисобсиз шогирдлар, юртдошлар қалбида миннатдорлик туйғулари қолди. Тумандаги бир мактаб ва бир кўчага унинг номи берилган. У кишидан эл-юрт корига ярайдиган, қобил тўрт ўғил ва тўрт қиз қолди.

У киши ватанимиз мустақил бўлган кунларни кўролмади. Аммо шогирдлари ва фарзандлари, неваралари бугун мустақилликни мустаҳкамлаш учун хизмат қилмоқдалар.

У киши экиб кетган яхшилик уруғидан серҳосил дарахтлар кўкарди.

Жалолиддин САФАРОВ, Нормўмин ОЧИЛОВ, Маъруф ЖАЛИЛ.

Sport

«ДЎСТЛИК» ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

Одатда спорт мусобақаларида қайси бир команда ғалаба қозанмасин, дўстлик ғалаба қозонди деган ибора кўп ишлатилади. Бу ғал касб-ҳунар лицейлари ва ҳунар мактаблари 1 республика «Қувноқ стартлар» телемусобақаси ғолиби — Хоразм вилояти Хонқа туманидаги 30-касб-ҳунар билим юртининг «Дўстлик» командасининг финал беллашувида Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 13-касб-ҳунар мактаби «Орзу» командаси устидан 16:12 ҳисобида ғалаба қозонгани тўғрисида сўз юритарканмиз, бир-бирига муносиб спортчилар ўртасидаги қурашда том маънода дўстлик ғалаба қозонганлигини таъкидламоқчимиз.

Еттита учрашувдан иборат беллашувнинг биринчи мусобақасида қашқадарёликлар ғалаба қозонишди. Лекин дастлабки мағлубиятдан эсанкирамай дадил ҳаракат қилган хоразмлик спортчилар иккинчи дастур буйича ғалаба қозониб, очколар сонини тенглаштириб олдилар ва мусобақа охирига келиб «рақиб»ларидан тўрт очко ўзиб кетдилар.

Саралаш мусобақаларидаги учрашув нисбатлари билан финал беллашувидаги натижа ҳар икки команданинг бир-бирига муносиб эканлигини яққол акс эттириб турибди. Жумладан, «Дўстлик» командаси Навоий вилоятининг «Ёш куч» (28:17), Сурхондарё вилоятининг «Касбкор» (31:9), Фарғона вилоятининг «Тошлоқ» (30:10) командалари устидан йирик ҳисобда ғалаба қозонгани ёдимизда.

Қашқадарё вилоятининг «Орзу» командаси ҳам Бухоронинг «Истиқлол», Наманганнинг «Ғурумсой», Сирдарёнинг «Сайҳун» командалари устидан ғалаба қозониб, финалда фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Ғалаба осонликча қўлга киритилмайди. Аввало талабалар билан тер тўкиб меҳнат қилган жисмоний тарбия ўқитувчиси Яхшимурод Тўраев, йигит-қизларнинг шу ғалиниши учун жонбозлик кўрсатган билим юрти директори Юсуфбой Рузибоев, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган Хонқа туманидаги «Дўстлик» жамоа бошқаруви, ҳокимлик, халқ таълими бошқармасининг саъй-ҳаракатлари ютуқ омили бўлди.

Хоразм вилоятидаги 35 та лицей, бизнес ва касб-ҳунар мактаблари орасида спорт соҳасида яхши кўрсаткичларга эришиб келаётган мазкур билим юртида 330 дан ортиқ йигит-қиз тиқувчилик, гилам тўқувчи, сартарошлик, пойафзалчилик, темирчилик, автомобил чиланғари, мураккаб уй-рўзғор электр асбоблари устаси, қишлоқ хўжалик ҳисобчиси ва бошқа касбларни эгаллашмоқда.

Билим юртида яхши жиҳозланган таълим устаханалари, замонавий спорт зали, стадион ва спорт майдонлари талабалар хизматида.

Республикамизда жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштиришнинг муҳим омили сифатида миллионлаб томошабинларнинг олқишини олиб келаётган «Қувноқ стартлар» телемусобақаси илк ғолиблари — Хоразмнинг «Дўстлик» командаси аъзоларига Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг биринчи даражали дипломи, «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти марказий кенгаши фахрий ёрлиғи, кубок ва ҳомий ташкилотларининг мукофотлари топширилди.

Иккинчи ўринни эгаллаган Қашқадарё вилояти спортчилари, шунингдек, ҳар икки жамоа мураббийлари ҳам диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланишди.

F. МАННОПОВ.

ҚУТЛОВ

Муҳтарама Дилбар МИРЗАЕВА!

Сизни қутлуғ 50 ёшингиз билан самимий муборакбод этамиз, Сизга оилавий бахт, мустаҳкам соғлиқ, ишларингизда омад ва муваффақият ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Шайхонтоҳур туманидаги Назир Сафаров номидаги 137-мактаб жамоаси.

ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

Халқ таълими тизимидаги ўсмирлар футбол мактаб-интернатлари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган республика биринчилиги олдидан минтақавий мусобақалар бошланди. Бухоро шаҳрида ўтказилган мусобақада Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятлари командалари ғолиблик учун астойдил ҳаракат қилишди. Учтадан очко тўплаган командалар орасидан ғолиб тўплар нисбатига қараб белгиланди. Энг яхши кўрсаткичга кўра (9-5) навоийлик ёш футболчилар финал мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини олди.

Самарқанд шаҳрида ўтказилган минтақавий беллашувда Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд — 1 ва Самарқанд — 2 (танловдан ташқари) командалари ўзаро кураш олиб боришди. Яшил майдонда ғолиблик учун ҳаракат қилган Самарқанд — 1 командаси 9 очко билан биринчи ўринни қўлга киритди. Сурхондарё вилояти вакиллари (6 очко) иккинчи, қашқадарёликлар (3 очко) учинчи ўринни эгаллашди.

Навоий ва Самарқанд вилоятлари ёш футболчилари яна иккита минтақа ғолиби қатори июнь ойида Тошкентда ўтказиладиган республика биринчилигида майдонга тушишади.

М. ҒАФУРОВ.

Sport maydonchasi

БИР ЎЙИНДА 16 ТЎП УРГАН ФУТБОЛЧИ

Футбол тарихида камдан кам учрайдиган қизиқ ҳол. 1942 йил 12 декабрда «Рэсинг» (Англия) клуби моҳир ҳужумчиси Стейн Франциянинг «Обриастурия» (Ланс) командаси дарвозасига бир ўйинда 16 та тўп киритган. Шундан сўнг таниқли футболчи Стейнни Англиянинг «Миддлсбро» командасига таклиф этишади. Бироқ қайсар футболчи бу таклифни бутунлай рад этади.

50 МЕТРДАН ГОЛ!

Футбол ишқибозлари руминиялик Георге Хаджининг узоқ масофадан дарвозабонларни доғда қолдиришига кўп бор гувоҳ бўлишган. Испания чемпионатининг навбатдаги турида Хаджи ушбу маҳоратини яна бир бор намойиш этади. У «Сельто» жамоаси билан учрашувнинг 88-дақиқасида чамаси 50 метрлар узоқликдан Вильянуэви дарвозасини аниқ нишонга олди.

ЎЙИНГОҲДА ЮЗ БЕРГАН ТЎФОН

1968 йили 8,90 метрлик узунликка сакраб, дунёни лол қолдирган зот Боб Бимон эди. 23 йил мобайнида ўзгармай келган жаҳон рекорди охири Токиода ўзгарди. Янги жаҳон рекордини америкалик Майк Пауэлл ўрнатди: у 8,95 метр узунликка сакради. Энди навбат 9 метрлик узунликка! Забт этиб қўя қоламизми, ё кейинги асрнинг чекига қолдирамизми? Сиз нима дейсиз, спорт ишқибозлари?

АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ

Яқинда Булоқбоши тумани марказида миллий кураш буйича мусобақалар ўтказиладиган янги майдон бунёд этилди. Шу муносабат билан янги спорт майдонида булоқбошилик номдор полвон Шариф Ҳожи хотирасига бағишлаб фарғонача кураш буйича мусобақа ўтказилди. Беллашувда булоқбошилик А. Абдураҳмонов, М. Абдуллаев, О. Дўсанов, андижонлик Ш. Исоқов, олтинқўллик Х. Каримов, шаҳрихонлик Ш. Омонуллаев ўз вазн тоифаларида мутлақ ғолиб бўлишди.

«МҲСК» — «АФРОСИЁБ» — 5:1

Олий лига жамоалари мамлакат миллий чемпионатининг ўнинчи тур ўйинларини ўтказишди. Бу сафар МҲСК футболчилари Самарқандда «Афросиёб» жамоасига қарши майдонга тушдилар. Ниҳоятда қизиқарли ўтган учрашувда армиячилар 5:1 ҳисобида ғалаба қозонишди ҳамда очколар сонини 30 тага етказишди. Қолган ўйинлар қуйидагича бўлди: «Янгиер» — «Хоразм» — 4:0, «Пахтакор» — «Атласчи» — 4:0, «Навбаҳор» — «Зарафшон» — 2:1, «Насаф» — «Дўстлик» 0:0, «Андижон» — «Трактор» — 0:2, «Сўғдиёна» — «Бухоро» — 2:1, «Чилонзор» — «Косонсой» — 1:1, «Сурхон» — «Нефтчи» — 1:3.

«МАТЕМАТИКА» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



Азиз муштарийлар! Қуйида таърифланган сўзларни шаклда белгиланган ҳонадан рақам атрофига ёзиш билан машқни ҳал этиб математика илмига бўлган қизиқишингизни синаб кўринг.

1. Муайян масала ёки мисолни ечиш усуллари мажмуини ифодаловчи ўрта аср ўзбек ривоят олими номидан келиб чиққан атама. 2. Айлана сирт. 3. Қадимги юнон математиги, тўғри бурчакли учбурчак ҳақидаги теорема муаллифи. 4. Тўғри бурчакли учбурчак томони. 5. Тригонометрик функциялардан бири. 6. Тўғри чизиқ бўлаги. 7. Таркибида ўзаро боғланган бир неча катталик бўлган математик тенглик. 8. Бурчак ёки ёй ўлчови бирлиги. 9. Математик ишора, илдиз чиқариш амалининг белгиси. 10. Геометрик шаклнинг ўқ чизиқлари кесишадиган нуқта. 11. Мунтазам кўпбурчак марказидан бирор томонга туширилган перпендикуляр узунлик. 12. Тўғри чизиқнинг йўналган кесмаси. 13. Эркин ўзгарувчи миқдор. 14. Тўғри бурчакли учбурчакнинг катет атрофида айланишидан ҳосил бўладиган шакл. 15. Исботсиз қабул қилинадиган қоида. 16. Унли касрни муайян асосда қўллаган Марказий осиёлик олим, «Арифметика калиди» асари муаллифи. 17. Ўрта мактаблар учун геометрияга оид дарсликлар ёзган математик. 18. Бирор катталикни ўлчаш учун қабул қилинган сонлар тартиботи. 19. Асос деб аталадиган муайян сонни даражага кўтарганда берилган сонни ҳосил қиладиган даража кўрсаткичи. 20. Радиуслар билан чегараланган сирт. 21. Математика фани бўлими. 22. Ёпиқ эгри чизиқ. 23. Геометрик шакл, саккиз ёқлик. 24. Ўлчаш, ҳисоблаш мумкин бўлган нарсаларнинг сони, чамаси.

МУАММОНОМА

Қуйида рақамлар билан ифодаланган сўзларни таърифлари асосида топиб очқични ечинг. 1. Бирор фаолиятнинг амалга оширилиши ўлчови, меъёри — 6, 1, 4, 10, 6.

2. Қуёшнинг йиллик ҳаракат йўли бўйлаб жойлашган ўн иккита юлдузлар туркуми мажмуи — 8, 7, 4, 3.

3. Мақолдан: 1, 9, 2. ёшда эмас бошда»

4. Товланиш, жилва — 6, 1, 5, 3.

Энди шаклнинг юқори ва остки қисмидаги хоналардаги рақамларни очқич сўзларидаги таллуқли ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Бунда квадрат тенгламаларни ечишда қўлланиладиган усулларга оид ноёб асар номи аён бўлади. Ушбу асар муаллифини биласизми?

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ДОИМИЙ ИШЛАБ ТУРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КУРСИДА 1997 ЙИЛ ИЮНЬ ОЙИДА НАВБАТДАГИ КУРСЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ИШ БОШЛАЙДИ.

УНГА ҚУЙИДАГИ МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИНИНГ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАРИ ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ.

1. Мактабгача тарбия муассасалари мудирлари
2.06.97 — 30.06.97 йилгача
2. Мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари
2. 06.97 — 30.06.97 йилгача
3. Мактабгача тарбия муассасаларининг мусиқа раҳбарлари.
2.06.97 — 30.06.97 йилгача
4. Вилоят малака ошириш институтлари қошидаги мактабгача тарбия муассасаларида болаларни чет тилига ўргатиш, иқтисодий билим асосларини бериш, болаларни саводга ўргатиш буйича мутахассисларни муаллифлик курсига таклиф қилинади.
2.06.97 — 15.06.97 йилгача
5. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш буйича қайта тайёрлаш муаллифлик курсига тингловчилар қабул қилинади.
2.06.97 — 15.06.97 йилгача

Курсларга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. 24 кунлик курсга келган тингловчилар санаторий-профилакторийга 2-5 июнь кунигача қабул қилинади. Курс қошида боласи билан келган тингловчилар учун болалар хонаси мавжуд.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Талабалар шаҳарчаси.

Телефон: 46-98-04.

ОХИРАТИНГИЗ ОБОД БЎЛСИН

Давлат техника университетида «Эксперименталь ва назарий физика» кафедрасида ишлаб, профессорлик лавозимигача кўтарилди. Унинг маъруза ва амалий машғулотлари услубий жиҳатдан пухта, мукаммал ишланган бўлиб, талабаларда чуқур из қолдирарди. У ўз ҳамкасблари орасида фан сирларини ўқувчилар дилига етказиш борасида чуқур услубчи олим саналарди.

Ж. Муҳитдинов юксак фазилатлари билан ажралиб турадиган ҳалол, пок, ўзига талабчан, тўғри сўз инсон эди.

Ж. Муҳитдинов билимдон мутахассис сифатида Давлат тест марказига ишга таклиф этилиб, ўзининг илмий-назарий билими, амалиётни яхши билиши билан муваффақиятли ишлаб келди, тест технологиясини бойитишга ўз ҳиссасини қўшди.

Ж. Муҳитдинов 50 дан ортиқ китоб ва мақолалар муаллифи ҳисобланади.

Ж. Муҳитдиновнинг порлоқ хотираси унинг шогирдлари, ҳамкасблари қалбида абадий сақланади.

ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ.

Шафқатсиз ўлим орамиздан ҳақиқий инсон, моҳир педагог, физик олим, тест марказининг бош мутахассиси Жалолитдин Муҳитдиновни бевақт олиб кетди.

Ж. Муҳитдинов 1941 йили Сирдарё вилоятида ўқитувчи оиласида таваллуд топди ва улғайди. У 1960—1965 йилларда Тошкент Давлат педагогика институтида илм олди. У ўз илмий-педагогик фаолиятини шу даргоҳнинг «Назарий физика» кафедрасида бошлади, 1969—1971 йилларда Москва илмгоҳларида илмий изланишлар олиб борди. Ж. Муҳитдинов 1972 йилдан бошлаб Тошкент

ЭЪЛОН

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 3-ўрта мактаб томонидан Иброҳим Мамадалиев номига берилган N 089668 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти маъмурияти, касаба уюшмаси ва мактабгача тарбия факультети жамоаси мактабгача тарбия педагогикаси кафедрасининг ўқитувчиси У. С. Алиевага отаси Собир АЛИЕВ вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ma'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Зубайда УСМОНОВА, лишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0300. Тиражи 50.000. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
123456